# Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

10 сон

8 — 14 март, 2007 йил


## 8 МАРТ—ХОТИН ҚИЗЛАР КУНИ

# Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табриги

**Муҳтарама онахонлар!**

Қадрли опа-сингиллар, лобар қизларим!

Барчангизни гўзаллик ва нафосат байрами - 8 март - Хотин-қизлар куни билан чин қалбимдан муборакбод этиб, сизларга ўзимнинг юксак ҳурмат-эҳтиромим ва самимий тилакларимни изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Она диёримиз узра кўклам нафаси уфуриб турган шу кунларда биз барчамиз баҳор ва аёл деган ардоқли сўзларнинг бир-бирига нақадар ҳамоҳанг ва уйғун эканини беихтиёр ҳис этамиз. Чунки, баҳор ҳам, аёл ҳам инсон кўнглида аввало ҳаётга муҳаббат, эзгу орзу-интилишлар, меҳр ва саховат каби олижаноб ҳиссиётларни уйғотади.

Бу байрам Яратганнинг тенгсиз мўъжизаси бўлган аёл зотини улуғлаш, юрагимиздаги энг юксак туйғуларни ифода қилиш учун бизга янги бир имкон бериб, уларнинг ҳаётимиз, жамиятимиздаги ўрни ва аҳамиятини чуқур англаш, қадр-қимматини жойига қўйишга яна бир бор даъват этади.

Мана шу қутлуғ айёмда, авваламбор, барчамизни дунёга келтирган, кўз нури, қалб қўри, бутун борлиғини фарзандларига бағишлаган, биз олдида умрбод қарздор бўлган меҳрибон оналаримиз, мўътабар момо ва бувиларимизга таъзим қиламиз.

Энг муҳими, шундай шукуҳли кунларда хонадонларимиз фариштаси, оила қўрғонининг бекаси бўлмиш, рўзғорнинг барча юки ва ташвишларини нозик елкасида беминнат кўтариб келаётган, болаларимизни оқ ювиб, оқ тараб вояга етказадиган, уйларимизга орасталик ва файз бағишлайдиган садоқатли умр йўлдошларимизни, уларнинг ҳусну латофатини ўзимиз учун бамисоли янгитдан очгандек бўламиз, уларнинг, барча опа-сингилларимиз, зебо қизларимизнинг ҳурматини бажо келтирамиз.

Хулоса қилиб айтганда, 8 март байрами ҳақида сўз юритар эканмиз, биз аввало эски замонда кенг тарқалган сиёсий-мафкуравий қолиплардан бутунлай холи бўлиб, юртимизга гўзал ва бетакрор баҳор фаслининг элчиси сифатида кириб келадиган, тобора чинакам инсоний моҳият касб этиб бораётган қутлуғ бир анъанани, оилаларимизга шодлик бахш этадиган қувончли бир айёмни ўзимизга тасаввур қиламиз.

Азиз опа-сингиллар!

Биз мустақилликка эришган дастлабки кунлардан бошлаб аёлларимизнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузи, ҳурмат ва эътиборини ошириш, уларнинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш масаласи юртимизда олиб борилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлангани барчамизга яхши маълум.

Ўтган давр мобайнида бу соҳада зарур ҳуқуқий асос яратиш ва уни янада такомиллаштириш, аёлларимизнинг ижтимоий ва сиёсий фаоллигини, жисмоний, маънавий ва интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, опа-сингилларимизнинг саломатлигини мустаҳкамлаш, уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, оила, оналик ва болаликни ҳимоялаш, хотин-қизларни иш билан таъминлаш, тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида амалга ошираётган кенг кўламли ишларимиз ана шу сиёсатнинг амалий тасдиғидир.

Бугун қўлга киритган катта ютуқларимизни мамнуният билан эътироф этган ҳолда, мен бутун жамоатчилигимиз, биринчи галда, раҳбар ва фаолларимизнинг эътиборини муҳим бир масалага қаратмоқчиман. Яъни, ҳаётимизнинг барча соҳаларида аёлларнинг муносиб ўрин эгаллашига эришиш, уларнинг истеъдод, билим ва тажриба, орзу-интилишларини рўёбга чиқариш йўлида ҳали-бери мавжуд бўлган кўпгина тўсиқ ва муаммоларни ечиш вазифаси олдимизда турганини унутмаслигимизни истардим.

Айни вақтда 2007 йилнинг юртимизда «Ижтимоий ҳимоя йили» деб эълон этилиши муносабати билан қабул қилинган давлат дастурида белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш, аввалaмбор жамиятимизнинг пойдевори ва таянчи бўлмиш оилани мустаҳкамлаш, уни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда фаровонлигини ошириш, аёлларимизнинг оғирини енгил қилиш сингари муҳим масалаларни ҳал этиш барчамизнинг зиммамизга катта масъулият юклашини яна бир бор таъкидламоқчиман.

Биз бугун барпо этаётган янги ҳаёт, янги жамиятда хотин-қизларимизни ҳокимиятнинг барча тармоқларида - бу қонунчилик ёки ижро ҳокимияти бўладими, суд-ҳуқуқ тизими бўладими - том маънодаги тенг ҳуқуқли ва фаол иштирокини таъминлаш учун ҳали кўп иш қилишимиз керак.

Шу борада бир мисол келтиришни ўринли, деб биламан.

Бизнинг сайлов тўғрисидаги мавжуд қонунларимизда Президент ташаббуси билан Олий Мажлис ва маҳаллий вакиллик органларига номзод кўрсатишда ҳар қайси сиёсий партия томонидан хотин-қизларга камида 30 фоиз ўрин ажратиш шарти белгилаб қўйилган.

Шунга қарамасдан, бугунги кунда маҳаллий вакиллик органларида аёлларимизнинг умумий иштироки 16 фоизни, Қонунчилик палатасида 17,5 фоизни, Сенатда эса 15 фоизни ташкил этишини афсус билан қайд этамиз.

Албатта, депутатликка номзодларни аввало сайловчилар сайлашини ҳаммамиз тўғри тушунамиз. Лекин ана шу сайловларда хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши ва қонунчилик идоралари ҳамда маҳаллий вакиллик органларида муносиб ўрин эгаллаши кўп жиҳатдан кенг жамоатчилигимизга, аҳолимизнинг сиёсий-ҳуқуқий маданиятига боғлиқ эканини ҳам эътиборда тутишимиз зарур.

Энг ривожланган демократик мамлакатлар, аввало, Европа давлатлари тажрибаси, уларнинг бугун кечираётган тинч, фаровон ва осуда ҳаёти, керак бўлса, ўз шароитимиз, босиб ўтган йўлимиздан чиқарадиган хулосалар шуни кўрсатмоқдаки, **юксак билим ва малакага эга бўлган оқила аёлларимиз ҳокимиятнинг қонунчилик, ижро ва суд тармоқларида нуфузли ўринни эгаллаб, хотин-қизларимизнинг, халқимизнинг ишончли вакиллари сифатида фаолият олиб бориши учун кенг имконият очиб берсак, бу ҳолат ижтимоий ҳаётимизда доимий анъанага айланса, ишончим комилки, олдимизда турган барча муаммоларни адолатли ечишда, ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамиятини барпо этиш йўлида салмоқли қадам қўйган бўламиз.**

Ўйлайманки, кейинги сайловларда барчамиз бу ўта муҳим масаланинг моҳияти ва аҳамиятини теран англаган ҳолда, ўз фуқаролик ва сайловчилик бурчимизни адо этишда бу масалага алоҳида эътибор берамиз.

Қадрли опа-сингилларим!

Сизларни гўзал байрамингиз билан яна бир бор табриклаб, барчангизга сиҳат-саломатлик, бахту саодат, хонадонларингизга тинчлик ва файзу барака тилайман.

Толеингиз баланд, умрингиз узоқ, ризқу насибангиз зиёда бўлсин!

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси**
**Президенти**

## ҲАЁТИМИЗ ГУЛИ, ЖАМИЯТИМИЗ ТАЯНЧИ



**Суратда: Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибалари.**

Пойтахтимизнинг "Туркистон" саройида 8 март – Хотин-қизлар куни муносабати билан тантанали мажлис бўлиб ўтди.

Тадбирни Тошкент шаҳар ҳокими А.Тўхтаев очди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Ўзбекистон хотин-қизларига байрам табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова мамлакатимизда давлат ва жамият қурилишида хотин-қизлар фаоллигини янада ошириш, ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, касбий, жисмоний, маънавий ва интеллектуал савиясини юксалтириш, оила, оналик ва болалик манфаатларини ҳимоялаш бўйича бетимсол ишлар амалга оширилаётганини таъкидлади. Бу борада Президентимиз Ислом Каримовнинг 2004 йил 25 майда қабул қилинган "Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармони дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда.

Фармонга мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридаги барча ўзини ўзи бошқариш органларида диний маърифат ва маънавий-ахлоқий масалалар бўйича маслаҳатчилар фаолият кўрсатмоқда. Маҳаллаларда, оилалардаги маънавий муҳитни мустаҳкамлаш, хотин-қизлар, айниқса ёшларни миллий қадриятларимиз ва урф-одатларимиз руҳида тарбиялаш, уларни турли зарарли оқимлар таъсиридан асрашда маслаҳатчи аёлларнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор.

Жамиятимизда меҳр-оқибат, ўзаро ҳамжиҳатлик муҳитини мустаҳкамлаш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, соғлом турмуш тарзини қарор топтириш борасида эришилган ютуқлар нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан ҳам ҳақли равишда эътироф этилмоқда. Ўзбекистонда бу йўналишда ўрганса арзийдиган тажриба тўплангани эътиборга моликдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қабул қилинган давлат дастурларига биноан оналар саломатлигини мустаҳкамлаш, ёш авлод ҳамда оилаларни ижтимоий ҳимоялаш борасида кўплаб хайрли чора-тадбирлар, лойиҳалар амалга оширилаётир. Тиббиёт масканлари-она ва бола скрининги марказлари, қишлоқ врачлик пунктлари, спорт-соғломлаштириш масканларининг фойдаланишга топширилиши, замонавий жиҳоз ва ускуналар билан таъминланиши бунинг ёрқин далилидир.

Юртбошимиз ташаббуси билан таъсис этилган Зулфия номидаги Давлат мукофоти мамлакатимиз иқтидорли қизларини аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш, янги ижодий ютуқлар сари даъват этишда муҳим омил бўлмоқда.Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 2 мартдаги Қарорига мувофиқ аъло хулқи, зукколиги, ўқишдаги муваффақиятлари, ташаббускорлиги билан ноёб истеъдодини намоён этаётгани ҳамда адабиёт, санъат, фан ва таълим соҳаларидаги алоҳида ютуқлари учун Зулфия номидаги Давлат мукофоти билан тақдирланган иқтидорли қизларга совриндорлик ёрлиқлари ва нишонлар топширилди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов мамлакатимиз хотин-қизларини байрам билан табриклаб, ўзининг янги шеърини ўқиб берди.

Санъат усталари ва ижрочи ёшларнинг куй-қўшиқ ва рақслари тадбирга файз бахш этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

# БАҲОРИЙ ЁҒДУ



Мукофотланганлардан бир гуруҳи

Ўзбекистон Миллий Матбуот марказида Хотин-қизлар куни муносабати билан Ўзбекистон Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоаси фонди ҳомийлиги ва Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси, ҳамда Тошкент шаҳар хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида уюшма қошида бир неча йиллардан буён фаолият юритиб келаётган "Журналист аёллар клуби"нинг "Атиргул" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Унда республика ҳаётидаги ўзгаришларни, ютуқ ва камчиликларни йил давомида фаол, таъсирчан ёритиб келаётган аёл журналистларнинг ижод намуналари муносиб баҳоланди. Қуйидаги журналист аёллар "Атиргул-2006" республика танлови ғолиблари, деб топилдилар:

Зумрадхон Абдуллаева (Андижон), Дилбар Бекчонова (Хоразм), Феруза Жалилова (Тошкент), Ҳикоят Маҳмудова (Тошкент), Саодат Омонова (Тошкент), Муборак Охунова (Тошкент), Динара Ортиқова (Қашқадарё), Олтингул Утениязова (Қоралқалпоғистон), Альфия Харченко (Самарқанд), Лайло Ҳайитова (Бухоро).

Шунингдек, бир гуруҳ журналист



Таниқли олима, профессор, "Тил ва адабиёт таълими" ҳамда "Преподавания языка и литературы" журналлари бош муҳаррири Раъно Толипова.

аёллар танловнинг рағбатлантирувчи мукофоти соҳиблари бўлдилар.

Уюшма раиси Шерзод Ғуломов, Олий Мажлис қонунчилик палатаси қўмитаси раиси Хуршид Дўстмуҳаммад, "Журналист аёллар клуби" раиси Мўътабар Каримовалар йиғилганларни байрам билан қизғин табриклашди.

Баҳорнинг илк кунларида



Ўзбекистон халқ шоираси— Ойдин Ҳожиева.

ўтказилган бу галги танлов якунлари тадбирида Ўзбекистон халқ шоираси, "Саодат" журналининг бош муҳаррири Ойдин Ҳожиеванинг "Назокат" шеърлар тўплами тақдимоти бўлди. Шунингдек, таниқли олима, профессор, "Тил ва адабиёт таълими" ҳамда "Преподавания языка и литературы" журналлари бош муҳаррири Раъно Толипованинг 70 йиллик юбилейи нишонланди.

Анжуман сўнггида шеърлар қўшиққа, қўшиқлар эса рақсларга уланди. Бу кун барчанинг кўнглига баҳорий ёғдулар, эзгу ниятлар ташриф буюрди, десак муболаға бўлмас.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**



# БАЙРАМ ШУКУҲИ

***Навоий шаҳридаги "Фарҳод" маданият саройида Зулфияхоним таваллуди ҳамда 8-март — Халқаро хотин-қизлар куни муносабати билан "Сен барибир муқаддассан, муқаддас аёл..." деб номланган байрам тадбири ва "Санамлар сарвари" кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Тадбир Навоий вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва унинг қошида ташкил этилган "Зулфияхоним қизлари" клуби, Навоий Давлат кончилик институти ҳамкорлигида ташкил этилди.

«Санамлар сарвари» кўрик-танловида ғолиблик шоҳсупаси Кимё металлургия факультети талабаси М. Ботировага насиб этди.

Тадбирда таниқли шоира Х. Бобомуродова сўзга чиқди.

**Дилбар РАЗЗОҚОВА, Навоий вилояти.**

* * *

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида Хотин-қизлар куни муносабати билан байрам тадбири ўтказилди. Ўзбекистон халқ шоири Сирожиддин Саййид йиғилганларни байрам билан қутларкан, "Пайғамбарларимизни ҳам дунёга келтирган Аёл" зотига бутунлик, тўкислик тилади. Ўзбекистон халқ шоири Иқбол Мирзо, шоирлар Абдураззоқ Обрўй, Ахтамқул Каримовлар ҳам хотин-қизлар шаънини улуғлаб шеърлар ўқидилар.




Ўзбекистон халқ шоираси, уюшма хотин-қизлари сардори Ойдин Ҳожиева бошқарган тадбирда шоиралар ўзларининг баҳор, муҳаббат, гўзаллик, яхшилик мавзуидаги шеърларидан ўқидилар.

**Ўз мухбиримиз.**

* * *

Тошкент ахборот технологиялари университети қошидаги академик лицейда "Соғлом авлод учун" халқаро жамғармаси ташаббуси билан "Аёл — гўзаллик тимсоли" шиори остида экибанэлар кўрик-танлови ўтказилди. Академик лицей ўқувчилари гулдасталар тузиш жараёнида ўзларининг гўзаллик ва нафосат тўғрисидаги фикрларини ифодаладилар. Кўрик-танловда совринли ўринларни эгаллаган ўқувчиларга "Соғлом авлод учун" жамғармаси томонидан қимматбаҳо совғалар топширилди.

* * *

"Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ташаббуси билан Тошкент Давлат Аграр университетида "Ўзбекистон аёллар фаолияти ва гендер масалалари" мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раиси ўринбосари Фарида Акбарова "Аёллар жамиятдаги мақеини оширишда давлат сиёсати», "Оила" илмий-амалий маркази директори Васила Каримова "Ўзбекистон оилаларида гендер муаммолари ва унинг ечими" мавзуларида маъруза ўқидилар.

* * *

Республика Марказий кўзи ожизлар кутубхонаси хотин-қизлар байрамига бағишлаб "Жамиятнинг фидойи аёллари" мавзуида тадбир ўтказди. Тадбирда Республика маданият ва спорт ишлари вазирлиги музей ва кутубхоналар бошқармаси бошлиғи И. Зуфаров юртимизда кўзи ожиз фуқаролар учун 74 та махсус кутубхона фаолият кўрсатаётганлиги, махсус янги китоблар нашр этилганлиги ҳақида гапирди. Иштирокчиларга қимматбаҳо совғалар топширилди. Тошкент шаҳар махсус кўзи ожиз болалар мактаб интернати бадиий ҳаваскорлари ижросидаги қўшиқлар кечага файз бағишлади.

**Ўз мухбиримиз.**

* * *

Қўшкўпир туманидаги агросаноат касб-ҳунар коллежи филиалида 8 март байрами муносабати билан "Зулфияхоним қизлари" мавзуида тадбир бўлиб ўтди. Талабалар "Бахри-байт", "Мақолни давом қилдириш", "Пазандалик сирлари", "Бошқотирма ечиш", "Муаммо-муаммо" шартларини аъло даражада бажаришди. Умарбек Бекпўлатов, Гулноза Искандарова, Шахноза Омонова, Гулбаҳор Ниёзметова, Ёрқиной Нурметова, Моҳирахон Қўчова каби талабалар тадбирнинг қизиқарли, мазмунли ўтиши учун иқтидор ва маҳоратларини намойиш этдилар. Коллеж раҳбари Фахриддин Қарриев сўз олиб, хотин-қизларни байрам билан қутлади, совғалар улашди.

**Фотима БОЛТАЕВА, коллеж ўқитувчиси, Хоразм вилояти.**

# ХАЛҚИМ ОЛДИДА БУРЧЛИМАН

**Муаллиф сўзи:**

- Журналистика болалик орзуим, армоним...

Газетада машқларим чиқяпти. Армонлар дунёсида яшаётган мендек аёл учун бу ажиб бахт, латиф завқ... Яна бир қувончли хабарни сизлар билан ўртоқлашгим келди... "Оила ва жамият"да босилган мақолаларим сабаб, мени туманимиздаги "Оҳангарон" рўзномасига ишга таклиф этишди. Дастлаб чўчидим, иккиландим. Ахир мен ўқитувчиман. Касбимни, ўқувчиларимни яхши кўраман. Иккисини бирга олиб бора олармиканман? Яна тажриба, маҳорат ҳам керак-ку!

Муҳаррир Бахтихон Мадаминова таҳририят иши билан таништирар эканлар: «Содда, самимий, меҳнаткаш қишлоқ одамлари билан кўпроқ мулоқотда бўлинг», деб таъкидладилар.

Далалари каби бағри кенг, дилкаш қишлоқ кишилари билан учрашув газетага, касбимга меҳримни янада оширди. Оҳангарон туманини ҳудуди салкам Наманган вилоятига тенг. Ана шундай улкан маконни кезмоқ, 80 минг аҳолидан иборат кекса-ёшнинг қалбига йўл топмоқ осон эмас. Уддалай оламанми? Билмадим. Бироқ, касбимга, халқимга бўлган меҳрим далда бўлиши аниқ. Қолаверса, суянчим "Оила ва жамият" бор.

Жойлардаги мулоқот чоғида ўзимни "Оҳангарон"нинг махсус, "Оила ва жамият"нинг жамоатчи мухбириман, дея танитаман. Ҳамиша ва ҳар ерда газетага бўлган эҳтиром-эъзозни кўраман. Юртдошларимизга керакмиз. Бундан беҳад шодман. Баҳордек мусаффо, гўдакдек беғубор, танти ва бардошли халқимнинг қуёшдек меҳри олдида бурчлиман, ҳамиша. Улуғ элимнинг меҳри, ишончи мен учун ягона умид ва бахт. Оллоҳдан куну тун илтижо қиламанки, Тангрим, мени ана шу "Бахт" дан бенасиб этмасин.

Қуйида байрам муносабати билан ёзилган мақоламни ҳукмингизга ҳавола этмоқдаман...

## АЙТИНГ-ЧИ!...

***Бугун байрам. Бекажонлар иззатда, беклар эса хизматда. Демак саволларимиз оила соҳибларига...***

**1.** Рафиқангизга қандай совға танладингиз?

**2.** Қачон, қайси парфюмерия маҳсулотини ҳадя этгансиз?

**3.** Байрам столини қанақа таом билан безайсиз?

**4.** "Биринчи муҳаббатим"ни тинглаб... эслайсизми?

**5.** Аёлларнинг оила ва жамиятдаги ўрни, нуфузи... ва ниҳоят байрам тилакларингиз.

**— Абдуғаффор МАННОПОВ-Оҳангарон шаҳар ҳокими:**

1. Бир қучоқ гул.
2. Ҳар байрамда атир-упа тўплами...
3. Истаган таомларини, фақат ўргатиб туришса...
4. Тушундим саволингизни. "У" ҳозирда хонадонимиз бекаси...
5. Шаҳримиз аёллари барча соҳада фаол. Эришган ютуқларимизда уларнинг ҳиссаси улкан. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлишсин. Хонадонларига файз-барака, бахт ва қувонч тилайман.

**— Аъзамали МИРСИДДИҚОВ-Оҳангарон туман- шаҳар марказий шифохонаси бош шифокори:**

1. Сир бўла қолсин.
2. Шу йил февралда "Дивайн" номли атирни.
3. Ош, кабоб...
4. "У" мен учун армон эмас.
5. Юрт ривожига ҳисса қўшадиган замонавий аёл шаклланди... Мукаммал аёл сиймосини мен аввало ўз онамда кўрганман. Гўзаллик, садоқат ўзбек аёлларига хос зийнатдир. Уларни асраш учун Оллоҳ эркакларга инсоф, идрок, қалб ато этсин.

**— Иброҳимжон РАҲМАТОВ-"Оҳангарон" адвокатлик фирмаси раҳбари:**

1. Гул.
2. Яқинда "Лусия" атрини...
3. Ош...
4. Албатта эслайман.
5. Республика адвокатлар ассоциацияси аъзоларининг 40% аёллардир.



Улар ҳамиша давлат муҳофазасида, қонун ҳимоясида...

Ўзбекистон хотин-қизларини баҳор байрами билан табриклайман.

**— Иброҳим ҲОТАМОВ-туман ИИБ паспорт столи бошлиғи:**

1. Гул.
2. Бир ой олдин Орифлейм тўпламини.
3. Кабоб.
4. ... Эслайман
5. Аёллар бўлмаса ҳар бир соҳада ҳам иш тўхтаб қолса керак. Бахтимизга доимо соғ-омон бўлишсин

**Райҳон САЛАЕВА тайёрлади.**

# ФАРЗАНДИНГИЗ ОИЛА ҚУРДИ...

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

Мўъжазгина "Бахт уйи"мизда дам олиш кунлари ҳам одам гавжум бўлади. Чиройли кийинишиб, қўлларида гулдасталар билан ташриф буюрган йигит-қизларнинг шодон чеҳраларига боқиб қувонаман. Ёшлар униб-ўсиб, шу озод ва обод ватанда яшаб, умргузаронлик қилсинлар - дейман.

Кундан-кунга улғайиб камол топаётган ҳар бир ёш ўзига муносиб ёр танласа, солиҳ фарзандларга ота-она бўлса, қандай яхши. Ҳузуримизда бўлган келин-куёв ана шу аҳду паймонларининг рамзи сифатида бир-бирининг бармоқларига никоҳ узукларини тақадилар.

Аммо... Ҳар куни ҳам байрам бўлавермас экан. Унинг эртаси ҳам келаркан. Никоҳдан ўтган келин-куёвларнинг орзулари бир олам бўлса, орадан ҳеч қанча вақт ўтмай ораларига совуқлик тушиши, қизнинг аразлаб ота уйига кетиши, қайнота жаҳл отига миниб, "Ўғлимни бошқасига уйлантираман", деса қизнинг онаси: "Тор қорнимга сиққан, кенг уйимга сиғмай қолармидинг, энди сени юбормайман",-дейишлари афсуски, учраб турибди.

Қадриятларимиз, жумладан мусулмон оламида оила муқаддас саналган. Куёв ҳурмат қилинган, келин ардоқланган. Келинга янги оиланинг тутумларини ўрганиши, ўша хонадонда яшовчиларнинг феъл-атворига қараб муомала қилиши уқтирилган. Ўз навбатида ўғил (куёв)га ҳам оиладаги вазифаси, бурч ва мажбуриятлари, оила шаънини ҳимоялаш, сақлаш, обрўсини йўқотмаслик учун қилиниши шарт бўлган тамойиллари сингдирилган.

Таниқли уламо Ҳожа Аҳмаджон Бобомурод устоз ўзининг "Қўша қаринглар" (Мовароуннаҳр, 2004 йил) рисоласида шундай баён қиладилар: - "Аёл ҳам (келин) ўз навбатида рўзғорнинг ҳаловатли бўлишига асосий сабабчи эканлигини ёдда тутсин. Улуғ кишилар қизларини турмушга узатаётганда панду насиҳатлар қилар эканлар. Жумладан, Абу Толибнинг набираси Абдулло ибни Жаъфар ўз қизларига:

- **Эрингни бўлар-бўлмасга гумон қилиб, рашк қилаверма. Тушуниб-тушунмай койима. Эрингга ўзингни нохуш сифатида кўрсатма. Сурма, ўсма, хина энг яхши зийнатлардан бўлса-да, лекин ҳаммасидан афзали сувдир,**-деганлар. Зеро, сув ҳамма нарсани поклайди. Либослари кир бўлган бўлса, совунлаб, тозалаб ювилса, либоси ўзига ярашиб туради. Чиройли кийимда очилиб, яшнаб турмуш ўртоғига ҳам чиройли кўринади...

Энди ироқлик ибни Муҳаллим ҳазратларининг қизига айтган 10 та насиҳатига қулоқ тутинг. **Бир ва икки насиҳатим, қаноатли ва итоатли бўлгин. Уч ва тўрт насиҳатим, эрингни кўзи билан бурнига ҳушёр бўл. Токи кўзи хунук ерга тушмасин, яъни уйинг доимо тоза, идишларинг яроқлаган, ҳожатхона супурилган, кийимларинг чиройли, ўзинг гўзал суратда бўл. Бурни нохуш ҳид ҳидламасин. Беш ва олти насиҳатим, уйқуси билан овқатига ўз вақтида ҳозирлик кўр. Етти ва саккизинчи насиҳатим, мол-мулкига яхши посбонлик қилгин, рухсатсиз ноўрин ишлатма, фарзандларига меҳрибонлик кўрсат. 9 ҳамда 10 насиҳатим, буюрган юмушни бажар, сирини фош қилма, уйининг гапини кўчага чиқарма. Шуларга риоя қилиб борсанг, турмушларингиз ширин ва фаровон, рўзғорингиз баракали бўлур.**

Авлод-аждодларимизнинг юқорида келтирилган ўгитларини ўғил-қизларимизга сингдирсак, ўзимиз ҳам уларга амал қилиб яшасак, қандай яхши!

Мени кўпдан бери бир нарса ўйлантиради. Ўғлини уйлаган ота-она кўп ўтмай қизини узатади. (Ёки олдин қиз чиқарган бўлиши мумкин) Нега улар ўз қизини бошқа хонадонга келин бўлганлигини унутиб, ўз уйидаги келинидан айб-нуқсон қидиришади?

Бир хонадонни биламан. Баобрў оила. Узатган қизини ҳар ҳафтада уйига келишини талаб қилади, қайнонаси юбормаса, сим орқали чақириб "Тезроқ етиб кел, мазам қочиб қолди",- дейди. Аммо ўзи келинини ота уйига бир ойда ҳам юбормайди. Бундай номутаносиблик келиннинг кўнглини чўктиради, кўнгли совийди, тарозининг палласини тенг тутмаганликларидан азият чекади.

Халқимизда пичоқни ўзингга ур, оғримаса бировга, деган нақл бор. Келинни ҳам қиз сифатида кўриб, уни яхши сўзлар билан кўнглини овлаш, билмаганларини босиқлик билан ўргатиш, ўзига ва бошқаларга нисбатан меҳр уйғотиш қайнонанинг вазифаси эмасми?

Тўғри, меҳр-саховати бисёр, қалбидарё оналар, қайноналар жуда кўп. Уларнинг қарамоғида бўлган келинларнинг тилидан бол томади. Қайноналарини онасидан зиёда кўради. Шунинг учун ҳам ўша хонадоннинг қут-баракаси, файз-тароватини учун хизмат қилади.

**Муборак САИДОВА,**
**Андижон вилояти, Асака тумани,**
**ФҲДЁ бўлими мудири.**

*"Ота-оналар ўз фарзандларини вояга етгунларига қадар боқиш ва тарбиялашга мажбурдирлар".*
**Ўзбекистон Конституцияси, XIV боб, 64-модда.**

# "БОЛАМ УЧУН ВАҚТ ЙЎҚ"...



Идорамизга кексагина онахон кириб келди. Кўзларида ёш шашқатор, оҳи оламни тутади.

- Бу ёққа не истиҳолалар билан келдим, қизим. Ҳеч жаҳонда она туққан болалари устидан ҳам шикоят қилиб келадими?- дея ажабланаётгандирсиз? Йўқ, асло шикоят қилмайман. Ахир халқимиз экканингни ўрасан,-деб қўйибди. Мен эса бу мақолни кексайганимда уқдим, қизим, тўримдан гўрим яқин қолганда Она деган муқаддас номга сазовор бўла олмаганимни ич-ичимдан ҳис этдим. Бола туғишни ҳар қандай жонивор ҳам уддасидан чиқади. Фақат одамзодгина фарзандларига тарбия бера олиш лаёқатига эга бўлишини пешонамга ура-ура ўз-ўзимга таъкидлаяпман. Менинг бошимга тушган кўргулик ўзгалар учун сабоқ бўлсин, деган ниятда келдим. Мен гапирай, сиз ёзинг.

...Тўтихон (исмини ўзгартиришимизни илтимос қилди)-нинг ақл-заковати, ҳусни ва энг муҳими бирон идорага раҳбарликка номзодлик қолипига ҳар жиҳатдан тўғри келгани унга мансаб "эшикларини" ланг очиб берди. Тўғри, у ёмон юрмади, ҳаром-харишга ботмади-ю, ўзининг аёл эканлигини тез фурсатда унутиб қўйди. Саҳар чиқиб кетади, кеч 8-9 қилиб уйга қайтади. Хонадонда қайнона билан келиннинг ўрни алмашиб қолди. Янаям Муҳаррамой хола тоғ экан, чидади. Болаларни боғчага олиб борган, олиб келган, хамир қорган, нон ёпган ўзи. Тўтихон амал поғонасидан кўтарилган сайин уйидан, умр йўлдошидан, болаларидан узоқлашиб борарди. "Катта-катта едирсам, яхши кийинтирсам, ҳеч кимдан кам жойлари бўлмаса, яна нима керак?",- дерди у ўз-ўзига кечалари мажлислардан ҳориб қайтаркан. Тўнғич ўғли 1- синфга борган кун...

- Ҳа, ҳа, бу мудҳиш кун моҳиятини мана энди англаяпман,- бошини сараклатди онахон.

Тўтихон бир ойга Тошкентга ўқишга кетган. Шу куни кенжаси онасига ичикибми, кечаси билан ухламай йиғлаб чиқди. Жонбувисига ёпишиб олган, дадасига унамайди. Саҳарга яқин уйқуга кетди. Муҳаррамой хола эса тўнғич набирасининг мактабга боришига шукроналар қилганча, Сарварнинг кўйлак-шимларини дазмоллади, шоша-пиша Суҳроб билан Дилшодни боғчага ташлаб келди. Сарвар эса бетоқатлик билан жонбувисини кутар, кўчани тўлдириб мактабга кетаётган болаларга қараб, кўзларидан ёш оқарди.

- Вой, жоним болам, мактабга борадиган болаям йиғлайдими? Ҳозир бориб гул бозоридан гулдаста оламиз, кейин мактабингга борамиз.

Эна-бола гул олиб, мактаб сари кетишарди. Чорраҳадан ўтишаётганда бехос юриб юборган машина Сарварга яқинлашганда Муҳаррамой хола набирасини жон ҳолатда олдинга итариб юборди-ю ўзи...

Жонбувининг қирқи ўтгач, Рафиқжон, тунд ва қайсар бўлиб қолган эр хотинига шарт қўйди:

- Ё ишни дейсан, ё уйни!

Тўтихон ёниб кетди. Бундай амалларни одамлар тушида кўрмайди-ю...

- Нима, онангизнинг аламини мендан олмоқчимисиз?

- Онам раҳматлини ўртага қўшма! Сани чўрингга айланиб қолувди! Тупурдим ўша мансабингга! Мактабда ишласанг ҳам бўлаверади. Болалорингга қарайсан, бўш вақтинг бўлади. Охирги марта қачон манга ёқтирган овқатимни пишириб бердинг?

- Ошқозон бандаси!- нафрат билан висирлади Тўтихон. - Бир камим энди қўл қовуштириб: "Хўжайин, бугун кўнглингиз қанақа овқатти тилайди",-дейишми? Э, мани бошимда бутун бошли районни...

Тўтихоннинг гапи оғзида қолди, Рафиқжон ғазаб билан хонтахтага қарсиллатиб қўлини урди:

- Ўчир овозингни! Манга шунақа оҳангда гапирадиган бўлиб қолдингми ҳали? Эрингга-я? Уйда ман хўжайинман, эшитдингми, ман!

Тўтихон йиғлаганча қолаверди. Рафиқжон унга бир ҳафта гапирмади. Болаларни қўни-қўшнилар боғчадан олиб келар, Сарвар мактабдан қайтгач, ҳали у, ҳали бу қўшниникида ўтирар, кўпинча кўчада юрарди. Тўтихон ишдан кетишни хаёлига ҳам келтиролмасди. Шаштидан тушар, деб эрини пойларди. Йўқ, саккизинчи кун деганда- ўша куни қайсидир районга йиғилишга бориб, кеч соат 11 ларда уйга келувди эри тилга кирди.

- Болалар қани?

- Шоҳидахонга тайинловдим. Нима, олмабдими?

- Детскийни қара-чи, - қаҳрли эди унинг товуш оҳанги. Тўтихон ечинишни ҳам унутиб, хонага кирди аммо болалар йўқ.

- Вой ўлай, қатта қолишибди? Шоҳидахон нимага олмадийкин?

- Шоҳидахон сани чўрингмас-ку, а? Униям болалари, эри, уйи бор. Уям ишлайди. Ана, токчада энагани телефон номери турибди. Ҳар ҳолда минг каттакон бўлсанг ҳам одамларни ярим кечада безовта қилишга ҳаққинг йўқлигини биларсан-а? Ахир сен ҳақ-ҳуқуқингни сув қилиб ичгансан-ку!

Рафиқжон шундай деб хотинига тарсаки тортиб юборди, ғазаб билан тортилган тарсаки зарбидан Тўтихон ағанаб тушди.

- Сандақа амалпарастларга бола ҳайф! Биттасини ҳам бермайман! Эринг ҳам амал, болалар ҳам амал, уйинг ҳам амал бўлаверсин!

Рафиқжон - бир сўзли. Рафиқжон - шу кетганча қайтиб келмади. Болаларни суд, табиийки, онасига буюрди. Рафиқжон қанча елиб-югурмасин, ўғилларидан бирортасини ҳам ололмади. Тўтихон Олимовна нари борса, бир ўқитувчи эрга болаларини бериб қўярканми? Ношукрга уларнинг тирноғини ҳам кўрсатмас!

Болалар отасиз қолишди. Айниқса, кенжатой дадасини қўмсаб ҳиқиллар, Рафиқжон боғчага кўргани борганда бўйнига осилиб оларди.

- Дада, ман сиз билан кетай, обкетинг.

- Обкетаман, ўғлим. Яқинда уй олсак, ҳаммамиз кетамиз.

- Сарвар акам ойимга: "Дарсимми қилдиринг",- девди. Аям китобини отворди. Суҳроб бўлса бир баҳо олиб, тўрт қилди. Аямга айтма, деб манга жевачка берди. Дада, бир нарса айтайми, Суҳроб бозордан жевачка ўғирлаяпти, - кўзларини олайтирди Дилшод.

Рафиқжоннинг юраги сирқиради. "Охири баҳайр бўлсин-да!"...

Ҳа, кекса онахонни не деб юпатишни ҳам билмайсан. Зеро, онадан бирор эртак эшитмаган, болалиги қўни-қўшниникида, кўча-кўйда ўтган ўғлонлар қалби беқарор, бераҳм, бешафқат эди. Она бола тарбияси учун фақат ота-онагина масъул эканлигини унутди. Ўғиллари бировларнинг чўнтагига тушиб, остонада мелиса пайдо бўлганда, асосий айбни ўқитувчиларга юклади. Катта ўғли тижорат қиламан деб фоизга пул олиб, маишатга сарф қилиб юборганда, йўлини қилиб тўғрилади. Охир-оқибат Сарвари ҳовлини қиморга бой бериб, кўчада қолганларидагина... Ғишт қолипдан кўчгандагина ўзига-ўзи шу саволни берди: **"Она бўлиб боламга нима беролдим? Унинг қалбига эзгулик уруғини эколдимми? Боларим учун умримнинг қанчасини бағишладим?".**

Азиз оналар, вақти келиб пушаймон ёши юзингизни ювиб, бошингиз хам бўлмаслиги учун ўзингизга ушбу саволни тез-тез бериб туринг:

**- Болам учун вақт топаяпманми?**

**Маҳфуза УСМОНОВА,**
**Фарғона вилояти,**
**Фарғона шаҳри.**

№ 10 (801) 8 март — 14 март 2007 йил


# ХАТО ОРТИДАГИ ФОЖИА



- Ёшим олтмишга яқинлашиб қолди. Икки қизим, ёлғиз ўғлим бор. Бу дунёдан бекам ўтаман, деб ўйлардим. Аммо яқинда шундай бир ҳолат содир бўлдики бутун орзу-ниятларим остин-устун бўлиб кетди. Бу шармисорликни ҳеч кимга айтолмайман. Дўсти-душман эшитса шунча йиллик обрўйим бир пул бўлади. Аммо бу дардимни кимгадир айтмасам бир касалга чалинишим турган гап.

**- Шунчалар кечирилмас хато қилганмисиз? Батафсил гапиринг-чи!**

- Бу қилмишимни ёшлик хатоси деб, оқлашдан олдин, эркакнинг пули кўпайса хотини кўпаяди,- деган гап ҳам бекорга айтилмаслигини тан олмоқчиман. Айни пичоғим қуйруқ устида. Атрофимдаги "шотир"ларим мени доим дам олишга таклиф қилади. Барча шароитлар муҳайё жойларга борганимда ниҳоятда чиройли нозанинлар ҳузуримга киради. Одатда у гўзаллар қанчалик фусункор бўлмасин мен улардан тез зерикардим. Аммо уларнинг орасида бир жувондан эса ҳеч ҳам узоқлашолмай қолдим. У билан муносабатларим чуқурлашгандан-чуқурлашди. Мен энди бу жувон учун жон койитадиган одат чиқардим. Ҳовли-жой қилиб бердим. Моддий таъминлаб қўйдим, ҳаттоки уни рашк қила бошладим. Шундай кунларнинг бирида жувон менга никоҳ ўқитиш таклифини айтиб қолди. Менинг ҳам мардлигим тутиб рози бўлдим. Биз энди ўз қаричимизда оила қурдик. Исми Фаёза эди. Фаёза мени бутунлай "эгаллаб" олди. Бу деганим қаерга боряпман, ким билан ўтирибман, доим суриштириб турарди. Бора-бора моддий талаблари ҳам оша борди. Бу қилиқларидан мен энди уни ташлаб кетишга қарор қилдим. Шундай кунларнинг бирида иккаламиз уришиб қолдик ва мен талоқ қилишимни айтдим. Аммо Фаёза ўзининг ҳомиладор эканлигини рўкач қилиб, ялиниб-ёлворди. Мен уни олдириб ташлашини буюрдим. Лекин Фаёза: "Сиздан ажрасам-ажрайман, аммо боламни олдирмайман",- деди. Хуллас мен ундан анча узоқлашдим. Бир куни танишларимнинг биридан қизлик бўлганини айттириб юборибди. Бормадим. Йиллар ўтди...

**- Қонуний никоҳдаги хотинингиз бундан бехабармиди?**

- У ҳозир ҳам ҳеч нарсани билмайди. Иккита қизимни узатдим. Ўғлим айни уйланиш ёшида. Анчадан бери бир қиз билан аҳдлашиб юришини билардим. Бир-икки марта опаларига ҳам кўрсатган экан. Улар жуда мақташди. Совчиликка бориш учун ота-онасини суриштирдим. Аммо ўғлим билан суҳбатлашиб билдимки у яхши кўриб юрган қиз ўша мен ташлаб кетган, бир марта ҳам юзини кўрмаган қизим экан.

Фаёза билан учрашдим. Ва қиз менинг зурриёдим эканлигига амин бўлдим.

**- Бу ҳақиқатан жуда хунук ҳолат... Уларни турмуш қуришга асло йўл қўймаслик керак.**

- Бунинг иложи бўлмаяпти, ҳамма йўлини қилиб кўрдим. Ҳатто отасининг тайини йўқ, онаси бузуқ қизни олиб бермайман ҳам, дедим. Фаёза ҳам қизига қарши чиқибди. Аммо, ўғлим: "Менга Дилобарни олиб беришдан бошқа иложингиз йўқ, чунки биз энди эр-хотинмиз",- деди. Нима қилишни билмай қолдим. Бу фожиамни қандай тузатай?

***Эркак ортиқ ўтиролмади, юртдошларнинг маслаҳатини интизорлик билан кутишини айтди, отилиб хонадан чиқиб кетди. Албатта икки ёшни—ака-сингилни бу қалтис ҳолатдан сақлаб қолиш керак. Аммо қандай қилиб? Хатларингизни кутамиз.***

МАТЛУБА

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ЭСКИ КЎЙЛАК МОЖАРОСИ

- Инсон ҳамма нарсага кўникаркан, биз ҳам кетма-кет оламдан ўтган ота-онамиздан айрилганимизга кўникдик. Бора-бора ота-онамизнинг уйига кам борадиган бўлдик,- дея гап бошлади таҳририятимизга ташриф буюрган истараликкина аёл.

**- Нима, ҳозир бормай қўйдингларми? - сўрадим аёлдан.**

- Биз ҳам ишли одаммиз-да, вақтимиз бўлганда борардик. Бир куни борсам келинимиз чордоғидан тугун олиб энди очаётган экан. Мен ҳам қизиқиб қараб ўтирардим. Бир пайт у:

- Эгачи, манави эски матоҳлардан кўрпача қилдирмоқиман,-деб қолди.

Не кўз билан кўрайки, бу онамнинг эски кўйлаклари эди. Келин уларни ёйиб яроқлисини ажрата бошлади. Менинг эса кўнглим бузилиб, кўзларимдан ёш оқарди.

**- Кўйлакларга ачиндибми?**

- Ачиндим ҳам... Ахир шу эски кўйлаклар мен учун азиз, қадрли эди-да.

**- Буни келинингизга айтдингизми?**

- Айта олмадим. У эса менга: "Бу кўйлакларни чеварга бериб келарман. Бирпасда кўрпа-кўрпачага айлантириб тикиб беради." - деди. Мен ундан кўзимга азизу бебаҳо бўлиб кўринаётган тугунни менга бергин деб сўрай олмадим. Кейин бир иш қилдим.

**- Қандай иш экан?**

- Уйга қайтаётиб ўша чеварникига кириб ўтдим. Унга келинимиз олиб келадиган кўйлакларни бузмаслигини, ўзим унга кўрпачалик матолардан олиб келиб беришимни айтдим. Эртасигаёқ бозордан ўттиз метр кўрпачалик сатин олиб келдим. Уни чеварга бериб ўша тугунни олиб кетдим.

**- Келинингиз бундан хурсанд бўлгандир?**

- Қани эди?.. У чевардан бор гапни эшитиб тутақиб кетибди. Дарҳол менга қўнғироқ қилди. Йиғлаб ўзини маҳаллада шарманда қилганимни айтиб, роса бақирди. Аслида буларни ўша куни ёқиб юбормоқчи бўлганлигини, шундай қилмагани учун афсусланаётганини айтди.

**- Ҳозир муносабатларингиз қандай?**

- Келин укамнинг қулоғига мен ҳақимда қўйган шекилли, бир-икки марта кўчада кўриб қолсам аранг салом берди. Аслида айбим онамнинг кўйлакларини биров босиб ўтиришини истамаганим эди. Ота уйимизни соғинаман. Улар ўтган жойларни, улар юрган ҳовлиларни кўргим келади. Аммо...

**- Нега ўз ҳовлингизга бора олмайсиз?**

- Бир марта шу кўчадан ўтиб кетаётсам келин кўчада онаси билан гаплашиб турган экан. Совуққина сўрашди, Ҳатто уйга таклиф ҳам қилмади. Ўзаро совуқ муносабатларимиз сезган қариндошларимиз эса сабабини сўраб суриштириша бошлайди. Жуда ноқулай аҳволга тушаман.

Келинимиз ҳам шу газетани ўқийди. Шунинг учун маслаҳат сўраб келдим.

**Аёл йиғлади.Унинг кўнглидан ўтган изтиробларни тушундик. Чиндан ҳам азизларимиз ўтгандан сўнг уларнинг ҳатто эски бир рўмолчасини ҳам кўриб қолсак кўзимизга сурамиз. Кийган кийимларидан унутила бошланган бўйларини излашимиз рост. Келин ҳам буни кейинчалик тушуниб қолади. Аммо унгача жигарлар орасидаги муносабатлар совиб музга айланмасмикан?**

ГУЛБАШАКАР

# "ГУССАГА БОТСА ОДАМ"...

— Кўнглимнинг султони — Баҳром ака институтни битириб, ҳарбий, мен эса ўқитувчи бўлмоқчи эдим. Аммо... Ота-онамизнинг ҳукмими ёки ўзимизнинг мағрурлигимиздандми бирга бўлолмадик. Одам севгисиз бахтли бўлолмас экан, - дея дилдаги ҳасратларини тўкди таҳририятимизга ташриф буюрган Ойдиной.

**— У йигит қандай қилиб муҳаббатингизни қозонганди?**

— 18 ёшимда Тошкентга ўқиш учун келгандим. Қайга бормоқчи бўлсам акам олиб борарди. Акам қишлоққа кетган куни бозорга у-бу харид қиламан деб кўчага чиқиб, адашиб қолдим. Йўл четида туриб такси тўхтатдим. Таксичи гап билан овора қилиб қўйиб, мен айтган манзилдан умуман бегона жойга машинасини тўхтатди. Қўлига пичоқ олиб:

- Жонингдан умидинг бўлса, бор будингни чиқар,- деб дўқ қилди. Бозордан харид қилган кийим-кечагу, тилла тақинчоқларимни ечиб олди. Ўзимни эса одамлардан холи, ташландиқ бир жойга ташлаб кетди. Чўнтагимда бир чақа қолмаган, атрофда эса ҳеч ким кўринмасди. Шу пайт рўпарамда бир йигит пайдо бўлди. Бошимдан ўтган воқеани айтиб, менга ёрдам беришини илтимос қилдим. Йигит анча кеч тушиб қолганлигини, уйи шу атрофда эканлигини айтиб, мени уйига таклиф қилди. Ноилож рози бўлдим. Унга эргашиб уйига бордим. Уйида ҳеч ким йўқ экан.

- Оёқ-қўлларингиз музлаб кетибди-ку, иситиб олинг,-дея иситгич ёнига ўтқазди меҳрибонлик билан. Йигит ошхонада нимадир қуйдир-пишир қиларди. Хаёлимда бу йигит менга тегажаклик қилса, ўзимни 8-қаватдан отиб юбораман дея дераза ромларини бирма бир кўздан кечириб чиқдим.

- Тезроқ овқатни еб олинг, кейин ётамиз, - деди дастурхон ёзар экан. "Ётамиз" деганини маси, дея хавотирга тушдим. Овқат қандай қорнимга тушганини ҳам билмайман. У чой дамлагани ошхонага кетганлигидан фойдаланиб, агар менга яқинлашса, бирор жойига пичоқни суқиб оламан, дея дастурхондаги пичоқни ҳам кофтамни ичига солиб олдим. Овқатланиб бўлгач:

- Сиз мана бу уйда ёта қолинг, - дея мени ичкаридаги хонага бошлаб кирди. Ўзи эса ташқарига чиқиб кетди. Туни билан мижжа қоқмай, тиқ этса эшикка қараб чиқдим. Тонг отиши билан йигит мени уйимга кузатиб қўйди. Менга кўрсатган самимий илтифоти учун миннатдорчилик билдирдим. Ўшандан кейин Баҳром ака билан дўстлашиб кетдик. Бир-биримизга кўнгил қўйдик. Акамга ҳам у йигит ёқиб қолганди.

**— Унда нега ажрашдингиз?**

— Ота-онам мени тоғамнинг ўғлига атаб қўйишганди. Уйдагиларга Баҳром акани севишимни айтсам эшитишни ҳам исташмади. Баҳром аканинг совчиларига рад жавобини бериб, тоғамнинг ўғлига унаштириб қўйишди.

**— Одам осонликча бахтли бўлолмайди-да. Севгингиз учун нега курашмадингиз?**

— Тўйимиз бўлишини тоғамнинг ўғли бир йил кутди. Тўйга бир кун қолганда Баҳром акага: "У йигитга кўнглим йўқ. Келинг, ҳаммасини ташлаб қочайлик",- дедим. У эса бундай қилмади. Унга аччиқ қилиб, эрга тегиб кетдим. Эримга кўнгил беролмадим. Ҳамма нарсага бефарқлигимдан эрим ичувчи бўлиб кетди. Ўзим севмаган инсоннинг ота-онасини, қариндош-уруғига ҳам меҳр беролмадим.

Тўйдан кейин Баҳром акага уни соғинганлигимни айтиб кетма-кет мактуб йўлладим. У эса жавоб ёзмади.

**— Ёшликдаги муҳаббат ўткинчи, дейишади. Балки вақти-соати келиб, ҳаммаси ўз ўрнига тушиб кетар...**

— Баҳром акани сира унутолмаяпман. Ундаги хислатлардан биронтаси эримда йўқ. Биринчи фарзандим ногирон туғилгани учун энди бола кўришга ҳам қўрқиб қолдим. Эшитишимча, Баҳром ака ҳам аёли билан чиқишолмай, оиласи пароканда бўлиб кетибди. Севгилимни излаяпман. Бир кун бўлса ҳам у билан яшасам дейман.

**— Бундай йўл тутсангиз одамлар нима деркин?**

— Ота-онам ҳам қариндош-уруғ билан қуда-андачиликнинг бор азобини тортиб бўлишди. Мен ҳам қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатида туғилган ногирон болам учун куйинаяпман. Эрим ҳам ўзга аёл билан шакаргуфторлик қилиб юрибди. Ахир менинг ҳам бахтли бўлишга ҳаққим бор эди-ку.

Биласизми, ҳар доим севимли ҳофизим қўйлаган қўшиқнинг мана бу сатрлари тилимда, кўнглимда такрорланаверади:

*- Йўлин йўқотса одам,*
*муҳаббатга суянгай,*
*Гуссага ботса одам,*
*муҳаббатга суянгай...*

**Ойдинойнинг дард ҳасратини тинглач, "Юрагингизга қулоқ тутинг, ота-онангиз билан маслаҳатлашинг",-дея маслаҳат бердим. Бу борада юртдошларимиз ҳам ўз сўзларини айтишар, деган умиддаман...**

Адиба УМИРОВА

# УСТОЗЛИК НОМИГА ДОҒ ТУШИРМАНГ!




"Устоз отангдек улуғ",- деган халқ ҳикмати бор. Мен ҳам шу фикрга қўшиламан. Чунки ота инсонга битта жисмоний умр берса, устоз узоқ ва абадий шон-шуҳрат умрини берар экан. Бунга бизнинг буюк ва улуғ аждодларимизнинг устозлари берган илмий, адабий, ҳунармандлик умрлари далилдир. Борди-ю устоз шундай улуғ эъзоз ва шарафга доғ туширса-чи? Бундай ҳолатни кечириб бўлмас гуноҳ деб биламан. Нега деганда бир ўйлаб кўринг, бир ота-она гулдай қизини ё ўғлини яхши ният билан илм, ё ҳунар ўргансин деб устозга ишониб топширса-ю, эркак устоз қизга, аёл устоз йигитчага хирсий кўзини тикса. Ўргатаман деб найранг билан уйига чақириб, ичкиликка ўргатиб, йўлдан оздириб, хирсий тажовузга ўтса... Ўсаётган истеъдодни нобуд қилса, бу илмга, миллатга, мустақилликка, келажакка хиёнат эмасми? Данак ичида дарахт яширинган,-дейишади. Устоз олдида ўтирган соддагина ширингина қизча ё йигитчани ким айтолади эртага даҳо бўлмайди деб? Муаллиф Адиба Умирова "Устозим деб эъзозлагандим..." номли мақоласида ана шундай муҳим масалани кўтарибди.

Мен 50 йиллик меҳнат фаолиятимдан шу нарсани биламанки, ходими ҳақида бирон "миш-миш" эшитиб қолган баъзи раҳбарлар ҳақиқатнинг тагига етмасдан тезроқ ўз аризасига кўра бўшатиб "қутулиш"га киришиб қолишади. Баъзан бу "қутулиш"лар "миш-миш" қурбони бўлган инсоннинг тақдирида оғир фожиали ҳолатларни ҳам келтириб чиқариши мумкин. Кўп тажрибали раҳбарлар "миш-миш"чилар билан юзлаштириб, адолатни қарор топтирган вақтлари ҳам бўлган. Бундан ташқари ҳар хил ҳолатларни ўрганиб хулоса қилувчи комиссиялар бор. Ўшаларнинг эътиборига ҳавола қилинса, уларнинг хулосасидан кейин ишдан бўшатилса ўринли бўлади. Шунда бир иқтидорни, истеъдодни асраб, яраланган қалбга малҳам бўлиб, жамиятимизга тўғри йўналтирилган бўламиз.

Мақоладан Шарифанинг номусли, иффатли, ориятли ижодкор эканлиги сезилиб турибди. Устози уни алдаб, ертўлада кўп вақт бирга расмлар чизишга ўргатиб, кийим-кечаклар олиб бериб ўзига ишонтириб олган. Бир кун ниятини амалга ошириш учун ичкилик ҳозирлаб, ароқни ўзи ҳам ичиб, қизга ҳам қуйиб узатган. "Яхши асар яратиш учун ижод аҳли ичиш керак", деган. Ва ичишга мажбур қилган. Афсуски, бу

> **"Устозим деб эъзозлагандим",- 50-сон**
>
> ЭСЛАТМА "Устоз отангдек улуғ дейдилар. Мен эса устозимдан азият, ранж чекдим. Қилмишлари ошкор бўлгач, ўзини оқлаш ниятида, шаънимга нолойиқ сўзларни айтмоқда..."
>
> **А. УМИРОВА**

ичиш ҳақидаги ақида мутлақо яхши асар яратишга кафолат бўла олмайди. Беҳзод каби буюк рассомлар, Яссавий, Нодира каби буюк шахслар наҳотки ичиб ёзган бўлсалар? Бу ичкиликка ружў қўйган ижодкорларнинг ниқоб фалсафаси, холос.

Устози унга ёлғон, баландпарвоз сўзлар билан яқинлашганда "Вой ичим, ҳозир ўламан, вой ичим..."- деб йиқилади. Устози қўрқиб кетиб, кўтариб ҳовлига олиб чиқади. Унга сув олиб келишга кетганда, сумкасини олиб, қочиб қолади. Демак, бу қабоҳатдан қутулиш учун топган тадбири унга қўл келади. Энди бир оғиз қизнинг дунёга келиши ҳақида. Шарифа отасидан никоҳсиз туғилган экан. Бунинг сабаблари мақолада кўрсатилмаган. Қадимда никоҳсиз туғилиш етти пуштга етгулик иснод ҳисобланган. Яъни, биргина хатонинг жабрини етти авлод бошини кўтара олмай тортган. Уларга иснодли ҳақоратлар кўп бўлган. Устози балки ўйлагандир, бу қизнинг онаси шўхроқ бўлса, қизи ҳам шунақа деб. Баъзан суяк сурадиган ўйноқилик касалидир»- деб. Шундай ўйлаган бўлса, мутлақо адашган. Агар у ўйлагандек бўлганда қиз қаршилик қилиб ўтирмасди. Ялло-ялло қилиб юраверарди. Қиз тадбир қўллаб қутулиб кетибди. Онаси шундай қабоҳат ҳолатдан чиқолмай қолиб, не азобларга бардош бериб қизини катта қилганлиги аниқ кўриниб турибди. Демак, қизнинг палаги тоза. Ўзининг номусини, ориятини асрай олган қизни "миш-миш"лар, шубҳалар, туҳматлар чангалига ташлаб қўймасдан ҳимоя қилиш, виждони йўқ устозни судга бериш керак. Рассом қизнинг ижодий ишларини тиклашга жамоатчилик яқиндан ёрдам бериши зарур.

Ўлим бир кишининг бошида бўлса, иснод ўлими бутун авлод ва миллат бошида бўлади. Биз устозлар айрим хирсий хиёнатларга қўл уриб миллат ва авлодлар шаънига иснод келтирмайлик. Устоз хиёнати кечирилмас гуноҳдир.

**Ҳайдар МУҲАММАД,**
**шоир ва драматург,**
**Тошкент Давлат санъат институтининг катта ўқитувчиси.**

---

Яхшиямки, шогирд қиз эсли, ҳушли экан. Касал бўлиб қолган одамдек найранг кўрсатиб, номусини сақлаб қолибди. Акс-ҳолда ароқхўр устоз қандай кўнгилсиз воқеаларни содир қиларди? Орамизда ана шундай устозлар бўлмасин. Уларни устоз дейишга ҳам тилинг бормайди. Қилғиликни қилиб, шогирдига туҳмат тошини ирғитаётган устозга Оллоҳнинг ўзи инсоф берсин. Шу ерда ўша рассомнинг хотинига ҳам айтар гапим бор:

Номуссиз, ношуд эрингизни ҳимоя қилиб, отаси тенги одамдан хўрлик кўрган қизга раҳмингиз келмадими? Ўта инсофсиз аёл экансиз. Шу қиз ўрнига ўз қизингизни кўриб қўйингчи! Қандай аҳволга тушар экансиз...

Шарифа қизим, сизга насиҳатим, онангизнинг сўзидан чиқманг. Устозингиз номини бундан кейин тилга олманг. Алоқани бутунлай узинг. Қизим, агар устозингиз сиз ишлаётган жойга бориб, яна туҳмат тошларини отса, асло кечирманг. Агар сизни яна ишдан бўшатмоқчи бўлса, шу ердаги раҳбарга қилмишларини тўғри тушунтиринг. Унда ҳам устозингиз ғийбат қилишдан тийилмаса, ҳуқуқ органларига рўй-ростини айтинг. Танобини тортиб қўяди.

Қизим, сиртдан ўқишга киринг, олий маълумот олинг. Сизни тўғри тушунадиган йигит учраб қолса турмушга чиқиб бахтли бўлишингизни истайман.

**Раънохон ЖУМАНИЁЗОВА,**
**Андижон вилояти, Булоқбоши тумани,**
**Маънавият тарғибот маркази раҳбари.**

---

Шарифа! Содда, яхши қизга ўхшайсиз. Устозингиз отангиз тенги экан. Содда ва ёшлигингиздан фойдаланиб, севги изҳор қилишга уялмадимикан? Отангиз йўқлигини гапириб, кўнглингизни оғритибди. Шу пайтда онангиз: "Ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолаверсин. Рассомчилик қўлимдан келмайди, мен чеварчилик қиламан",- деб устозингдан ўзингни олиб қоч, деб маслаҳат қилмабди.

Энди устозингизга айтар гапим бор.

Эй, устоз — отахон! Қизингиз тенги қизга севги изҳор қилгани уялмадингизми? Қизим, сиздек етим қизларни бошини Оллоҳим силасин. Устозингизга ҳам инсоф тилайман.

**Паттихон САМАДОВА,**
**Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани.**

---

Қизим Шарифахон! Эскилар бекор-га: "Мол оласи устида, одам ола-си ичида",- дейишмаган. Сизнинг устозингиз ҳам ола-си ичидаги одамлардан экан. У сизни ичириб, ўз мақсадига эришишни олдиндан ўйлаб қўйган. "Кечирасиз, мен қизингиз тенгиман-ку. Қолаверса, устозимсиз. Мен сизни отамдек ҳурмат қиламан", - десангиз ҳам у шайтон йўлидан қайтмайди. Айрим шахслар борки, шунчалик фаросатсизки, ўзига тенгми ёки шу иши ўринлими чуқур ўйламайди. Бундайлар ҳайвон табиат инсонлар тоифасидан. Улар ўз қизлари бўлса-да, уни бадном қилишдан қайтмайдилар. Сизнинг устозим, деб ишонган кишингиз ҳам шулар тоифасидан. Бу ерда яна устозингизнинг номардлиги шуки: "Ўзи мени бўйнимга осилди", - деб тухмат қилади. Хотини эса: "Отасиз ўсган қиз қиз бўладими! Эрим машҳур одам, шаънига нолойиқ сўзларни айтма. Дунёга келганингга пушаймон қиламан", деб ўдағайлаб кетган. Эру хотин орқангиздан ҳаттоки Тошкентга келиб ҳам сизни тинч яшашга қўйишмабди.

Шарифа қизим! Бу дунёни қайтар дунё деганлар. Устозингизнинг ҳам қизлари бордир? Бир куни уларнинг ҳам бошига сизнинг бошингизга тушган кунлар тушади. Унинг қилмишини Оллоҳ кечирмайди.

**Раззоқ ҲАКИМИЙ,**
**Навоий вилояти, Қизилтепа шаҳри.**

---

# ХИЁНАТНИНГ ЮЗИ ҚАРОДИР

> **"Бахтли оилага айлансак",- 6-сон**
>
> ЭСЛАТМА: "Эрим билан севишиб турмуш қурдим. Фарзандларим туғилди. Бахтли оилага айландик. Аммо эрим автофалокага учрагач, уни сақлаб қолиш учун хиёнат қилдим. Бундан хабар топган эрим бизни ташлаб кетди..."
>
> **АДИБА**

Асқар акангиз автофалокат туфайли шифохонага тушиб қолганда ночор аҳволда қолгансиз. Қариндошлар кўнгил сўраган билан моддий ёрдам бермаганлар. Эрингизни даволаш учун маблағ керак. Бўлмаса, бу дунёни тарк этиши мумкин эди. Унинг ҳаётини сақлаб қолиш учун "хўжайин"дан ёрдам сўрашга мажбур бўлгансиз. Иймонини йўқотган бу зот вазиятдан фойдаланиб қолган.



Мақсад бахтингизни асраш, оилани сақлаш, Асқаржонни соғайтириш экан Нодиранинг хиёнатга чорловчи маслаҳати шартмиди? Сизга йўл кўрсатиб, тилингиз қисиқ бўлиб қолгандан кейин "оборот"га пул қарз бердингиз. Қарзингизни қистаганда бергиси келмади-да "сир"ни сотиб, устингиздан мағзава ағдарди. Бу лапшани ўзингиз пиширдингиз. Энди чидайсиз. Эрингиз саволига жавоб сўраганда бор гапни айтиб берибсиз.

Асқаржон ҳам сизни аяпти: "Хиёнатингдан фарзандлар хабар топмасин. Сендан фарзандларим нафратланишини хоҳламайман", - депти.

Оила ҳам Ватаннинг кичик бўлаги. Унга дарз кетди.

Бир подшоҳ иккинчи подшоҳликка ҳужум қилади. Иккинчи подшоҳ Ватаннинг тинчлигини сақлаш учун биринчи подшоҳни сулҳга чақиради. У синглисини берса урушни тўхтатишини айтади. Рози бўлади. Азбаройи Ватаннинг тинчлиги, осойишталиги деб... Шундай, кўп ҳолларда аёллар жабр кўрган. Сизга ҳам сабр-қаноат тилайман. Чидашдан бошқа иложингиз йўқ.

**Мўмин ХОЛМУРОДОВ,**
**Қарши шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ



**Ҳурматли Эгамберди АШУРОВ!**

50 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга узоқ умр, сиҳат-саломатлик, ишларингизда омад тилаймиз.

Оила аъзоларингиз.

**Севимли опажоним Фарида ЖЕБАЕВА!**

22 баҳорингиз билан қутлаймиз. Бахт-саодат, гўзаллик, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Бахтимизга омон бўлинг.

Синглингиз Фазилат ва Нигина.





**Азиз аяжонимиз Ҳалимахон УСМОНОВА!**

8-март байрами билан табриклаймиз. Ҳамиша соғ-омон бўлинг. Сизни яхши кўрамиз.

Эҳтиром билан фарзандларингиз. Тошкент шаҳри.

**Рафиқам ШАҲНОЗАХОН!**

Сизни 8-март байрами билан муборакбод этамиз. Бахтимизга доим соғ-омон бўлинг.

Умр йўлдошингиз ва фарзандларингиз.

**Рафиқам Луиия ВАНИЛОВА!**

Таваллуд айёминг ва баҳор байрами билан табриклаймиз! Иккимизга бирга қўша қариб, фарзандларнинг роҳатини кўриб юриш насиб этсин!

Эҳтиром билан умр йўлдошинг Бахтиёр ва фарзандларинг, келинларинг.

**Онажонимиз МАРҲАБО!**

Айёмингиз билан қизғин қутлаймиз. Тинчлик-омонлик тилаймиз. Ҳамиша бизнинг бахтимизга соғ-омон бўлиб юринг. Умрингиз узоқ, тани-жонингиз соғ бўлсин.

Фарзандларингиз, набираларингиз, Тошкент шаҳри.

# ВАФОДОР ОТ




ҒАРОЙИБ

Менга бу воқеани онамнинг оналари 107 ёшли Саломат момом айтиб бергандилар. Ўтган асрнинг 30-йилларида раҳматли бобом қишлоқ раиси бўлиб ишлаб юрарканлар. Уларнинг ҳамма ҳавас қилгудек оти-дўсти бор экан. Ўзи тўқ-қизил, пешонаси оқ, туёқларидан ўт чақнайдиган оти бобомнинг овозига қараб вазиятни билиб олиб шунга мувофиқ одимларкан. Бобом ўта қаттиққўл инсон бўлиб, ишини ўз вақтида бажармаган кишини койисалар, от аста тумшуғи билан бобомнинг елкасига суйкаларкан. Агар ҳақиқатан ҳам ўша узрли киши "яхши инсон" бўлиб, бобом барибир койишни давом эттираверсалар от туёқлари билан ер тепиниб, сўнг думи билан бобомни уриб қайтараркан. Ўшанда бобом ундан хафа бўлиб, пиёда юриб кетар, орқасидан оти ҳам йўртиб бобом бошидаги телпагини тумшуғи билан туртиб тушириб, ўзича ҳазиллашаркан. Бобом унга эътибор бермасдан йўлида давом этаверса, олдига тушиб узала ётиб оларкан. "Мени кечиринг", дегандай қилиб. Йиллар ўтибди. Бобом ҳам, от ҳам кексайишибди. Бобом оғир касал бўлиб ётиб қолибдилар. Воажабо... Ўшандан бошлаб от ҳам ҳар кунги озуқасидан воз кечиб, ҳеч кимни олдига йўлатмабди. Ҳаётининг сўнгги кунларини яшаётганлигини сезиб, бувам ҳаммадан розилик сўрабдилар. Бобом чопони этагига арпа солиб отга тутибди, от кавшанибди. Бир куни бобом вафот этибдилар. От буни сезгандек кечаси билан баланд овозда кишнаб, ўзини қўйгани жой тополмай чиқибди. Эртаси тушдан сўнг бобомни сўнгги манзилга кузатиш учун вафодор жониворни отни ҳам бирга олиб боришибди. Ўшанда отнинг кўзларидан ёш қуйилибди. Бундан ҳамма ҳайратга тушибди. Эгасини сўнгги манзилга кузатган жониворни негадир орқага зўрға олиб қайтишибди. Эрталаб туришса ҳовлимиз дарвозаси бузилиб ётган эмиш. Кечаси ўғри келибди шекилли, деб оғилдаги молқўйдан, отдан хабар олишибди. Ҳаммаси жойида экану, аммо от йўқ эмиш. "Кеча ўлик чиққан уйга ўғри кирибди", деса ёмон бўлади, бобомдан кейин барака кетибди, деб айтишмасин деб ҳеч кимга овоза қилмай қабристондан хабар олиш учун боришса от ўша жойда эмиш. Бошини ерга эгганича кўзларидан ёш оқиб турармиш.

Олиб қайтмоқчи бўлишса ётиб олибди. Шу кўйи бувамнинг қирқи ўтибди ҳамки вафодор от жойидан қимирламай, озиб-тўзиб кетибди. Оқсоқоллар имом билан ўзаро маслаҳатлашишиб, отни сўйишга рухсат олишибди. От сўйилиб, гўшти хонадонларга улашилибди. Кейин суякларини алоҳида йиғиб олишиб, бувамнинг қабри ёнига кўмишибди.

**Зебинисо ҒАФФОРОВА**

**АБДУРАҲМОН** хусусий шифохонасида

ЧАСТНАЯ КЛИНИКА • ЛОР • ХУСУСИЙ КЛИНИКАСИ

**ТОМОҚ, ҚУЛОҚ, БУРУН СОҲАСИ БЎЙИЧА ҚУЙИДАГИ КАСАЛЛИКЛАР:**

**1.** Гайморит, фронтит, этмоидит, стеноидитни пункциясиз даволаш усуллари.
**2.** Аллергик вазомотор ринитлар.
**3.** Йирингли ва йирингсиз отитлар. Эшитишнинг пасайиши ва қулоқдаги шовқин.
**4.** Болаларда тез-тез учрайдиган ларингит, овознинг бузилиши ва томоқдаги "тиқилиш ҳисси", сабаби аниқланмаган йўтал.
**5.** Лор аъзолари яллиғланиши касалликларини лазер билан даволаш.
**6.** Танглайдаги бодомсимон без олиб ташланганидан сўнгги фарингитлар.
**7.** Шалпангқулоқликни жарроҳлик йўли билан даволаш, буруннинг ташқи кўриниши ва бурун деворларини ўзгартириш самарали усуллар билан даволанади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор мавзеси, 17, 32ᵃуй. Телефон: 276-85-86, 116-88-02. Мўлжал: "Чилонзор" метроси бекатидан "Собир Раҳимов" метроси томонига 500 метрча юрилиб, ўнгга бурилади.

# ҚЎША-ҚАРИБ ЮР

*«Оила ва жамият» ўгитномаси*

***(Узатилаётган қизга ота-она тилаги)***

*Оқ йўл, қизим, яхши бор, турмуш отлиғ гулбоққа,*
*Мустақил ҳаёт нахлин тар мевасин термоққа.*
*Аччиқ-чучук ёнғоғин олмахондек чақмоққа,*
*Момо-ҳаво илмидан дарсу сабоқ олмоққа.*

*Худо қўшган гул ила мангу қўша қариб юр,*
*Ҳеч ёмонлик кўрмайин тўкис давру даврон сур.*
*Нон-насибам бут бўлсин десанг, кундан олдин тур,*
*Субҳидамда ҳовлини фаришта мисол супур.*

*Қайнота-қайнонанг ҳам ота-она мисоли,*
*Бетгачопар бўлмайин, бўлгил шарму хаёли.*
*Ҳаётингни безасин гул каби ёр висоли,*
*Сизни кўрганлар десин Фарҳод-Ширин тимсоли.*

*Ўн гулинг чаппар уриб очилсин бирин-кетин,*
*Яхши келин ўрнига бўлмагил бир боғ ўтин.*
*Оиланг бўстонидан олгил муносиб ўрин,*
*Садоқатда иродаиг бўлсин пўлату метин.*

*Бизни ерга қаратиб, юзимиз қилма шувут,*
*Қайнонанг нима деса, уларнинг йўлини тут.*
*Эркалик жандасини, қизгинам, узлатга от,*
*Келинлик вазифангни қилмагил асло унут.*
*Худо қўшган гул ила мангу қўша қариб юр...*

*Ҳасан ОТА, Тошкент вилояти, Бекобод тумани.*

# УЗОҚДАГИ ФОЖЕА

ТУШ таъбирномаси

Илгари жуда кўп босинқирар эдим. Кечаси билан безовта бўлиб, яхши ухлолмасдим. Тушимда ё қоронғуликда бир ўзим қолиб кетган, ё уйимга ўғри тушган, ёки орқадан кимдир қувлаган бўларди. Шу сабаб, кеч тушганда ёстиққа бошим тегишидан қўрқиб қолган кунларим кўп бўлган. Бироқ, бу нарсалар вақти келиб, ўз-ўзидан барҳам топди. Оллоҳ олдидаги бандалик фарзларимни бажаришга киришишим билан тушларим ҳам ўзгариб, қандайдир файзли, хосиятли бўла бошлади.

"Тавба, - дердим шундай пайтларда. - Сен Оллоҳни десанг, у ҳам сени деркан, ҳар қандай балолардан асраркан"... Лекин ҳар замон-ҳар замонда худди илгаригидек ваҳимали нарсаларни ҳам кўриб қолардимки, бунинг кейинчалик аниқ бир сабаб билан кирганини билардим.

Тошкент вилоятидаги "Оқтош" санаториясида дугонам билан дам олаётган эдик. Бир куни тушимда мен ўтирган самолёт бирданига пастга шўнғиб кетганмиш. Мен қўрқиб кетсам, самолётдаги бир эркак: "Қўрқманг, бизга ҳеч нарса қилмайди. Тўғримиздаги самолёт кескин учиб келаяпти, ҳозир у ҳалокатга учрайди. Биз шундан қочиб, пастга шўнғидик", дермиш.

Ҳақиқатан ҳам, сал ўтмай бир самолёт шиддат билан ерга тушиб, чил-парчин бўганмиш. Эртасига бу тушимни ёнимдаги ҳамроҳларимга айтиб берсам: "Эрталаб сувга айтдингизми?" деб сўради дугонам. Тўғриси, бу нарса эсимга келмабди. Яқин орада самолётга чиқадиган фикрим бўлмагани учун негадир бепарворoқ бўлибман. Шу гапларни гапириб ўтирганимизда, шу куни эрталаб Украинада самолёт ҳалокатга учраб, унда ўтирганларнинг бариси фожеали ҳалок бўлганини радиода айтиб қолишди.

- Вой, қаранг! Шунча узоқларда рўй бераётган воқеа сизга аён бўлибди-я! - деб ҳайрон бўлди дугонам.

**Гулсара УБАЙДУЛЛА қизи**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).** - Сизга ўта жиддийлик ҳам ярашмайди. Атрофингиздагилар билан имкон қадар яхши муомалада бўлишга ҳаракат қилинг.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Ишларингизнинг ҳаммасига улгурмай қолаяпсизми? Унда дўстларингизнинг ёрдамини рад этманг.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** - Атрофингиздагиларда масъулиятли, жиддий шахс сифатида таассурот қолдиришга ҳаракат қилинг.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Ишқ-муҳаббат бобида омадингиз чопади. Янги «дўст»ларингиздан бири эса сизнинг оёғингиздан чалишга уриниб кўради, аммо вазиятдан чиқиб кетасиз.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Ҳафта давомида дилингиз ғаш бўлиб юрасиз. Фақат дам олиш кунларига борибгина сал чеҳрангиз ёришиб, ўзингизга келасиз.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Сизга етказилган нотўғри маълумот туфайли бир қанча қалтис қадамлар қўясиз. Оила аъзоларингизнинг дилини ранжитиб қўйманг.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Сўнгги кунлардаги воқеаларни яхшилаб таҳлил қилиб, тегишли хулосалар чиқариб олсангиз, келажакда асқотиши тайин.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Хайрли, савоб ишларга бош қўшишингизни сўрашса, рад этманг. Шу сабаб мушкулларингиз осон бўлиши мумкин.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** - Ишларингиз анча енгиллашиб, ҳафтанинг иккинчи ярмида озроқ дам олишга вақт ажратиш имкониятингиз пайдо бўлади.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).** - Душанба кунги озроқ нохушликни ҳисобга олмаса ҳафта бир маромда ўтади. Сизни ўйлантирадиган нарса зарур харажатлар учун пул топиш муаммоси бўлиши мумкин.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Бегона аёлнинг домига илиниб қолишдан эҳтиёт бўлинг. Бу нарса оилангиз дарз кетишига олиб келиши мумкин.

**БАЛИҚ(19.02 — 20.03).** - Касби ижод билан боғлиқ кишиларнинг унча омади чопмайди. Севишганлар ўртасида эса арзимаган баҳона билан зиддият келиб чиқади.



## ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

**Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди матбуотимиз маликалари - мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган барча опа-сингилларимизни латофатли ва кутлуғ айёмлари - Халқаро хотин-қизлар куни 8 март билан муборакбод этиб, энг самимий, эзгу тилакларини йўллайди.**

**АЗИЗ ОПА-СИНГИЛЛАР!**

Жамоат фонди гўзал айёмингиз муносабати билан мамлакатимиз матбуотининг энг хушсурат, мафтункор вакиласи номини аниқлаш ниятида ўз веб-сайтида

**“МАТБУОТИМИЗ МАЛИКАСИ”**

саҳифасини ташкил этмокда. Бу саҳифадан ҳар бирингизнинг фотосуратингиз ўрин олиши мумкин. Зеро, ҳар бир аёл латофатли, ҳар бир қиз соҳибжамол. Мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларида фаолият олиб бораётган ҳар бир опа-сингилларимиз "матбуотимиз маликаси" бўлишга лойиқдир.

Бунинг учун сиз:

- ўзингиз ҳақингизда қисқача маълумот - ҳаётингиз ва ижодий фаолиятингиз ҳақида 2 саҳифадан эркин таржимаи ҳолингизни (қизиқишингиз, тасаввур олами, кечинмаларингиз ва ҳоказо);
- 10x15 ҳажмдаги иккита фотосуратингиз - биринчиси юз-қиёфангизни акс эттирувчи фотосуратингиз, иккинчиси бор бўй-бастингиз билан эркин тарзда тушган фотосуратингизни Жамоат фонди дирекциясига 2007 йил 31 мартгача юборишингиз лозим.

Тақдим этилаётган фотосуратлар танлов эълон қилингандан кейин туширилган бўлиши шарт.

Фотосуратлар Жамоат фонди веб-сайтининг “Матбуотимиз маликаси” саҳифасига мунтазам равишда жойлаштириб борилади.

Танловга юборилган фотосуратлар нуфузли ҳайъат томонидан кўриб чиқилиб, “Матбуотимиз маликаси” Ўзбекистон мустақил босма ОАВ ва Ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди томонидан ўтказиладиган республика миқёсида тадбирларда эълон қилиниб, Фонднинг махсус совға, кўкрак нишони ва диплом билан тақдирланади.

**Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, А.Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 5-хона. Маълумот учун телефонлар: 144-12-51, 144-15-96. Веб-сайт: www.mmf.uz e mail: mmf@uzpak uz**



*Уч юришда мот*

## *Шахмат тарихидан*

### ДОНОЛИК РАМЗИ

Ўрта аср Франциясида шикоятларни кўриб чиқувчи олий суд «Шахмат палатаси», деб аталарди. Арзлар чиқиладиган зал полига оқ ва қора рангдаги 64 та тош тахтача ётқизилган, президиум аъзолари ўтирадиган стол устига катакли мато ёпилган эди. Тарихчилар палатанинг обрў-эътибори юксак даражада бўлганини таъкидлайдилар. У ўша даврларда донолик ва адолат рамзи ҳисобланган.

### ОҲАНГ БИЛАН УЙҒУНЛИК

Буюк немис композитори Роберт Шуман музика ва шахматни кўп қиёслаган. 1845 йилда ўзи чиқараётган «Музика журнали» саҳифаларида у шундай ёзганди: «Гарчи катта кучга эга бўлган фарзин ўзида рамзий оҳангни ифода этса-да, ўзаро уйғунликни мужассам қилган қирол барибир асосий ролни ўйнайди».

**Анвар ИНОҚОВ,**
**шахмат шарҳловчиси.**



*Уч юришда мот*

Оила ва жамият TV
№ 10 (801) 8 март — 14 март 2007 йил
Oila va jamiyat

## ШАНБА 17

### O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.50 "Олтин тож". Телевизион ўйин.
9.25 "Шифокор қабулида".
9.50 ТВ анонс.
9.55 "Ҳидоят сари".
10.15 1. "Чинсен". 2. "Маврид".
10.55 ТВ анонс.
11.00 "Оналар мактаби".
11.20 "Оила ришталари". Телесериал.
11.55 "Янги оҳанглар".
12.15 "Интеллектуал ринг".
13.00 ТВ анонс.
13.05 "Икки тақдир". Телесериал.
13.45 "Наврўз оҳанглари".
13.55 Дунё иқлими.
14.00 "Ахборот".
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Бекат".
14.45 "Қор қўйнида лола". Бадиий фильм.
15.50 "Меҳр кўзда".
"Болалар сайёраси":
16.30 1. "Ўйла, Изла, Топ!" Телемусобақа.
2. "Эртаклар – яхшиликка етаклар".
17.25 "Минг бир маслаҳат".
17.45 ТВ анонс.
17.50 "Саломатлик сирлари".
18.10 "Оҳанглар оғушида".
18.20 "Оталар сўзи – ақлнинг кўзи".
19.20 Дунё иқлими.
19.30 "Ахборот" (рус тилида)
20.00 ТВ анонс.
20.05 "ТВ шифокор".
20.10 "Оила ришталари".
21.00 "Ахборот".
21.40 "Кўнгил қўшиқ истайди".
22.05 "КиноТеатр".
22.25 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
22.35 "Севгим менинг, андуҳим менинг". Бадиий фильм.

### [Ёшлар]

7.00 "ЯНГИ ТОНГ"
9.00 Даврнинг боласи.
9.15 Бола тилидан.
10.00 Давр.
10.15 **"Ов мавсуми".** М/ф
11.35 "Қилни қирқ ёриб..."
12.20 **"Муҳаббат дардлари".**
13.00 Давр.
13.15 Даврнинг боласи.
13.30 "Ойболанинг саргузаштлари". Мультсериал.
13.40 Дунё таомлари.
14.00 "ЯНГИ КУН"
15.00 **"Ёмғир симфонияси".**
15.30 Истиқбол тимсоллари.
15.40 "Марғилон – 2000 ёшда!"
15.45 Нафосат олами.
16.00 Давр.
16.15 Омон бўлинг!
16.20 **"Муҳаббат қаҳваси".**
17.00 "БУРЧ". Видеофильм. 5-қисм (якунловчи)
17.50 Каталог.
18.00 "Ҳандалак".
18.30 Кўклам наволари.
18.55 Иқлим.
19.00 ДАВР.
19.30 **"Ер сайёраси" дастури.** 4-қисм.
20.30 Кино-SMS.
20.35 "Мафтункор ва бетакрор..."
21.00 **"Муҳаббат дардлари".**
21.50 Кино-SMS.
21.55 Иқлим.
22.00 ДАВР.
22.30 "Паноҳ". 2-қисм.
22.45 Жаҳон киноси: **"Кактус".**

### TOSHKENT

7.25 Кўрсатувлар тартиби.
7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.20 "Телекурьер-маркет".
9.45 "Дилкаш наволар": Алижон Исоқов.
10.10 "Маърифат фидойилари".
10.25 "Саломат бўлинг".
10.40 "Мусиқа SMS".
11.00 "Афиша"/рус/.
11.10 "Репортаж"/рус/.
11.20 "Анонс".
11.25- 13.10 Кино: "Превосходство Борна".
***
17.50 Кўрсатувлар тартиби.
17.55 "Афиша".
18.05 "Телекурьер-маркет".
18.25 "Анонс".
18.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
18.45 "Анонс".
18.50 "Гвадалупе". Телесериал.
19.30 "Мусика SMS".
19.55 "Анонс".
20.00 "Пойтахт" ахборот дастури.
20.15 "Анонс".
20.20 Дикий мир: "Борьба за выживание". 3 –-серия.
20.50 "Интервью".
21.00 "Жозиба".
21.30 "Пойтахт" ахборот дастури.
21.50 "Телекурьер-маркет".
22.10 "Истеъдод".
22.25 "Эслайсизми, ёдингиздами?"
22.30 "Пойтахт" ахборот дастури/
22.45 "Анонс".
22.50 Кино: "Деньги на двоих".
00.40 "Хайрли тун, шаҳрим".

### SPORT

7.30 "Хабарлар".
7.55 "Соғлом оила".
8.30 "Хабарлар" (рус тилида)
8.50 Мультфильм.
9.00 "Бодрое утро".
10.00 "Спорт - менинг ҳаётим".
10.10 "Смак".
10.50 "Цирк со звездами".
12.30 "Иқтидор".
13.20 – 14.00 "Стать ближе".
***
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. "Қурувчи"-"Локомотив".
17.50 "Афросиёб".
18.00 "Болалар олами".
18.30 "Хабарлар" (рус тилида)
18.50 "Военное дело".
19.15 "Файзли ошхона".
19.35 "Фоторевю".
19.50 "Суперлото".
20.00 "Вести".
20.20 "Мусиқий тайм".
20.35 "Стиль".
20.50 "Звездный матч".
21.10 "Среда обитания".
21.30 "Хабарлар" (ўзб. тилида)
21.50 Х/ф "МАЛЕНЬКИЙ КУПАЛЬЩИК".
23.15 "Турнир хитов".
23.40 "Империя кикбоксинга".

### TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб)
07.10 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Мировые хиты
09.00 Узбек наволари
09.30 "Сайилгох"
09.45 Узбек наволари
11.00 "Перевозчик" худ.фильм
13.00 Узбек наволари
14.00 "Премьера" (узб)
14.30 Мировые хиты
15.00 Теленяня
16.20 Мировые хиты
16.30 "Судьбы-Такдирлар"
17.00 Узбек наволари
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.10 Концерт
21.00 "Навбат" Рашид Холиков билан
21.40 Узбек наволари
22.00 Хинд киноси "АЁЛ ДАРДИ"

### 1 ОРТ

6.00 Новости
6.10 Искатели. «Чаша с ядом для царя»
6.50 Х/ф «Дорогое удовольствие»
8.20 «Играй, гармонь любимая!»
9.00 «Слово пастыря»
9.15 «Здоровье»
10.00 Новости
10.10 «Смак»
10.50 «Бизнес на похмелье»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.15 Премьера. История песни
13.20 Фильм Ларисы Голубкиной «Мой Андрей Миронов»
14.20 Александр Абдулов в фильме «Тюремный романс»
16.20 «Новые песни о главном» с Максимом Галкиным и Ингеборгой Дапкунайте
18.00 Вечерние новости.
18.15 Субботний «Ералаш»
18.50 «Женщина против мужчин»
19.45 «Властелин горы»
21.00 Время
21.20 Премьера сезона. «Минута славы»
23.05 «Высшая лига»
0.30 Джулия Робертс в триллере «В постели с врагом»
2.20 Приключенческий фильм «Большая белая надежда»
4.15 «Брачные аферисты»
5.10 Сериал «Офицер полиции»

### РТР

6.00 «Доброе утро, Россия!».
8.00 ВЕСТИ.
8.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКОВСКАЯ ОБЛАСТЬ.
8.20 «Военная программа» Александра Сладкова.
8.40 «Утренняя почта».
9.10 «Субботник».
9.50 «Вокруг света».
10.45 «Секрет успеха». Результаты голосования.
11.00 ВЕСТИ.
11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА.
11.20 «Сто к одному». Телеигра.
12.15 «Аншлаг и Компания».
13.15 «Клуб сенаторов».
14.00 ВЕСТИ.
14.20 РОДНОЕ КИНО. Михаил Жигалов, Евгений Леонов-Гладышев, Марина Яковлева, Владимир Стеклов, Георгий Юматов и Марина Левтова в детективе «Наградить (посмертно)». 1986г.
16.00 «Национальный интерес». Ток-шоу Дмитрия Киселева.
17.00 ВЕСТИ.
17.20 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ. ВЕСТИ-МОСКВА. НЕДЕЛЯ В ГОРОДЕ.
18.00 «Субботний вечер».
20.00 ВЕСТИ.
20.15 Музыкальный конкурс «Секрет успеха».
21.20 Александр Бухаров, Людмила Чурсина и Юлия Снигирь в остросюжетном фильме «Вакцина». 2006г.
23.15 Кэтрин Зета-Джонс в комедии «Невыносимая жестокость»
1.15 Андрей Мягков, Дмитрий Певцов и Олег Фомин в фильме Дмитрия Астрахана «Контракт со смертью». 1998г.
3.50 НОЧНОЙ СЕАНС. Ева Мендес, Крис Кристофферсон и Оуэн Уилсон в фильме «История Вендела Бейкера» (США). 2005г.
5.20 Канал «Евроньюс»

## ЯКШАНБА 18

### O'ZBEKISTON

5.55 Кўрсатувлар дастури.
6.00 "Ассалом, Ўзбекистон!"
8.00-8.35 "Ахборот".
8.35 ТВ анонс.
8.40 Олтин мерос.
"Болалар сайёраси":
8.45 "Яшил водий сари". Мультфильм.
9.45 ТВ анонс.
9.50 "Саломатлик сирлари".
10.10 "Оҳанрабо".
10.50 "Ҳамон ёдимда. "
11.10 ТВ анонс.
11.15 "Ҳамон ёдимда. "
11.35 **"Оила ришталари". Телесериал.**
12.10 "Сиз кутган учрашув".
12.50 "CINEMA.UZ".
13.15 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 1-қисм.
14.15 ТВ анонс.
14.20 "Майсаранинг иши". Бадиий фильм. 2-қисм.
15.20 "Оддий ҳақиқатлар". Ток-шоу.
16.10 "Наврўз оҳанглари".
16.20 ТВ анонс.
"Болалар сайёраси ":
16.25 1. "Олтин тож". Телевизион ўйин.
2. "Зумрад ва Қиммат". Видеофильм.
17.40 ТВ анонс.
17.45 "Одами эрсанг..."
18.05 "Қалпоқ". Ҳажвий кўрсатув.
18.35 "Дам бу дамдир..."
19.20 Дунё иқлими.
19.25, 20.00, 20.55, 21.40 ЭЪЛОНЛАР.
19.30 "Таҳлилнома" (рус тилида)
20.05 "50/50". Ток-шоу.
20.50 Дунё иқлими.
21.00 "Таҳлилнома".
21.45 "Кўҳна оҳанглар".
22.00 "Заковат".
23.00 "Қўшиғимсан, муҳаббат" (SMS. Овоз бериш)
**23.10 "Орзулар оғушида". Бадиий фильм.**

### [Ёшлар]

7.00 **"Ёмғир симфонияси".**
9.30 Орзулар майдони.
10.00 ВАТАНПАРВАР.
11.00 Journal.
11.20 "Марғилон – 2000 ёшда!"
11.30 "Ер сайёраси" дастури. 4-қисм.
12.20 Ишқ ва наво.
12.30 **"Муҳаббат дардлари".**
15.30 Ғазал мулки.
15.35 "Қаҳқаҳа".
16.10 Ринг қироллари.
17.00 Чемпион сирлари.
17.20 "Эверест".
18.00 "Айланай"
18.25 "Дилроз". Алишер Файз.
18.50 "Мафтункор ва бетакрор..."
19.00 Давр ҳафта ичида.
19.30 **"Куз эртаги".** Сериал.
20.30 KINOMANIYA.
21.00 **"Куз эртаги".** Сериал.
22.30 **"Сен азиз ва муқаддассан, аёл!"** ("Халқлар дўстлиги" саройидан ёзиб олинган)

### TOSHKENT

7.30 **"Салом, Тошкент!"**
8.35 "Гвадалупе". Телесериал.
9.20 "Телекурьер - маркет".
9.45 Мультфильм.
10.20 "Интервью".
10.30 "Афиша".
10.45 "Истеъдод".
11.00 Кино: "Омад ҳамиша келавермайди".
13.00 Болалар учун фильм: "Капитан Зум". Премьера.
14.20 "Дорихона эшитади"/рус/.
15.10 "Телекурьер-маркет".
15.30 "Жозиба".
15.50 "Саргузаштлар ороли".
16.20 "Мулоҳаза учун мавзу".
16.50 "Телекурьер - маркет".
17.15 Кино: "Қалбимда сенсан". 1-2 қисмлар. /Ҳиндистон/.
20.20 "Нима учун?"
21.00 "CINEMA BOLLIWOOD".
21.20 "Дилкаш наволар"
21.50 Воскресный кинозал: "Возвращение супермена". Премьера.

### SPORT

7.30 "Хабарлар".
7.50 "Қувноқ стартлар".
8.30 "Хабарлар" (рус тилида)
8.50 Мультфильм.
9.00 "Бодрое утро".
10.00 "Улыбка".
10.10 "Непутёвые заметки".
10.30 "Пока все дома".
11.20 "Рақибингиз гроссмейстер".
11.45 "Файзли ошхона".
12.10 Живой мир. "Планета Земля".
13.10 "До-ми-соль". Шоу программа для детей.
14.00 – 14.50 "Проф - РИНГ".
***
18.00 Мультфильм.
18.10 "Халқ ўйинлари".
18.30 "Версия". Информационно-аналитическая программа.
19.00 "Спорт уик-энд".
19.40 "Тайм-аут".
20.00 "Вести".
20.20 "Властелин горы".
21.10 "Ровесник".
21.30 "Талқин". Информацион-таҳлилий кўрсатув.
22.00 ПРИКЛЮЧЕНЧЕСКИЙ ЭКРАН: "СОКРОВИЩА. АМАЗОНКИ".
23.05 Еврофутбол.
00.40 "Тунингиз осуда бўлсин!"

### TV-MARKAZ

07.00 Марказ NEWS (узб)
07.10 Узбек наволари
08.00 Марказ NEWS (рус)
08.10 Концерт
09.50 Мировые хиты
10.00 "Сунмас орзулар"
10.40 Мировые хиты
11.00 Хинд фильми "Аёл дарди"
14.00 Узбек наволари
15.00 Теленяня
16.20 Узбек наволари
16.30 "Премьера" (рус)
17.00 Узбек наволари
17.30 "Юлдузли пайшанба"
18.00 Марказ NEWS (узб)
18.10 Узбек наволари
18.30 "Сайилгох"
18.45 Узбек навооари
19.00 Марказ NEWS (рус)
19.10 Мировые хиты
20.00 Узбек наволари
21.00 "Топ-20"
21.45 Мировые хиты
22.00 Кино-SMS:
1. "ДРУГИЕ"
2. "ДЕНЬГИ НА ДВОИХ"
3. "АЛИ"
00.00 Миксер

### 1 ОРТ

6.00 Новости
6.10 «Лошадиная энциклопедия», 3-я серия
6.55 Георгий Жженов, Анатолий Васильев в фильме «Ворота в небо»
8.35 «Армейский магазин»
9.10 «Умницы и умники»
10.00 Новости
10.10 «Непутевые заметки» с Дмитрием Крыловым
10.30 «Пока все дома»
11.20 «Фазенда»
12.00 Новости (с субтитрами)
12.10 Премьера. Живой мир. «Планета земля»
13.10 «Их разыскивает милиция»
13.45 Нонна Мордюкова, Олег Меньшиков, Евгений Миронов в фильме « Мама»
16.00 Футбол. Чемпионат России. «Динамо»- ЦСКА. Прямой эфир
18.00 «Времена» с Владимиром Познером
18.55 Премьера сезона. «Цирк со звездами»
21.00 Воскресное «Время». Информационно-аналитическая программа
21.45 Первый российский блокбастер «Ночной дозор»
0.00 Фильм Стивена Спилберга «Близкие контакты третьей степени»
2.25 Премьера. «Мутанты среди нас»
3.20 Сериал «Офицер полиции»
4.05 «Лондон. Abbey Road. «Машина времени»

### РТР

5.50 Андрей Абрикосов в фильме «Дело «пестрых». 1958г.
7.30 «Студия Здоровье».
8.00 ВЕСТИ.
8.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
8.20 «Сельский час».
8.50 «Диалоги о животных».
9.25 Владимир Высоцкий в фильме «Увольнение на берег».
11.00 ВЕСТИ.
11.10 МЕСТНОЕ ВРЕМЯ.
11.20 «Городок». Дайджест. Развлекательная программа.
11.50 «Сам себе режиссер».
12.45 «Смехопанорама Евгения Петросяна».
13.15 «Парламентский час».
14.00 ВЕСТИ.
14.20 «Фитиль №124 «. Сатирический тележурнал.
15.10 ВЕСТИ. ДЕЖУРНАЯ ЧАСТЬ.
15.40 «Честный детектив».
16.10 ПРЕМЬЕРА. «Смеяться разрешается». Юмористическая программа.
18.00 Олег Басилашвили в телевизионной экранизации романа Михаила Булгакова «Мастер и Маргарита».
20.00 ВЕСТИ НЕДЕЛИ.
21.00 «Специальный корреспондент».
21.25 Анна Ковальчук в фильме «Час пик». 2006г.
23.40 ПРЕМЬЕРА. ПРЕМИИ «ОСКАР», «ЗОЛОТОЙ ГЛОБУС», «СЕЗАР» И КАННСКОГО КИНОФЕСТИВАЛЯ. Шон Пенн, Тим Роббинс, Кевин Бэйкон и Лоуренс Фишберн в фильме Клинта Иствуда «Таинственная река» (США). 2003г.
2.20 Теренс Стамп в остросюжетном фильме «Дохлая рыба» (Великобритания -Германия). 2004г.
4.10 ПРЕМЬЕРА. Телесериал «Встреча выпускников» (США).

Рассом—А. ҲАКИМОВ



- Қара хотинжон, сен байрам қилиб келгунча қандай торт пишириб қўйдим.



- Дада, сизни телефонга сўраятти.
- Уйда йўқлар деб юбор.
- Нега? Ўзингиз бировга ёлғон гапирма, дер эдингиз-ку.



- Нега поездни тўхтатдинг?
- Кўрмайсизми, қандай чиройли гуллар экан. Босиб ўтишга кўзим қиймади.




*Aziz bolajonlar! Siz ham chizgan rasmlaringiz va yozgan ertaklaringizni o'z suvratingiz bilan birga bizga jo'nating. Yoshingiz va nechanchi sinfda o'qishingizni ham yozishni unutmang. Rasmlaringizni oq qog'ozga chizing. Xatlaringizni kutamiz!*

**Ulug'bek MUQIMOV.**
**Toshkent shahri, Uchtepa tumani, 116-maktabning 3 «Y» sinf o'quvchisi.**





### *QISHLOQ AYOLI*

*Qadoq qo'llaringga termulib ko'zim,*
*Mehnat, mashaqqatning aksini ko'rdim.*
*Quyoshdan qoraygan chehrangga boqib,*
*Shu munis hayoting naqshini ko'rdim.*

*Izlaring qoladi sho'r bosgan yerda,*
*Keraksiz cho'pga ham qalbingda izzat.*
*Tog` qadar yuksalgan saboting ko'rib,*
*Taskinlar o'qiydi o'zi tabiat.*

**Sohiba MINGBOYEVA,**
**Sirdaryo viloyati, Boyovut tumanidagi 17-o'rta maktabning 11 "A" sinf o'quvchisi.**

### *ONAJONIM*

*Siz kulsaniz, dunyoda shodlik,*
*Siz kulsangiz, kuladi olam.*
*Siz kulsangiz, mangu omonlik.*
*Onajonim, onajonginam.*

*So'zingizda mehr kuladi,*
*Ko'zingizda mehr kuladi,*
*Dilindizda mehr kuladi,*
*Onajonim, onajonginam.*

**Shaxnoza ISROILOVA,**
**Surxondaryo viloyati, Denov shahri.**



**Muxlisa XAMROQULOVA. Toshkent viloyati, Parkent tumani, 26-maktabning 3 «B» sinf o'quvchisi.**

### *ONAMGA TILAGIM*

*Onajon shirin so'z, ezgu istakni,*
*Faqat sizga, sizga tilayman.*
*Bu dunyoning baxtli kunlarin,*
*Shodligini siz ko'ring deyman.*

*Siz borsizki olam nurafshon,*
*Hayotimiz lazzati sizsiz.*
*Baxtimizga omon bo'ling deb*
*Tilak tilar erka qizingiz.*

**Iroda QOSIMOVA.**
**Samarqand viloyati, Poyariq tumanidagi 18-maktabning 8 «B» sinf o'quvchisi.**



**Bobirjon ALIMOV. Toshkent shahar, S. Rahimov tumani 146-maktabning 4 «V» sinf o'quvchisi.**





# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### ХИТОЙЛИКЛАР ҚАНДАЙ СОНЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШГАН?

Манбааларга кўра, Хитой ҳисоб-китоб тизими, яъни рақамларининг пайдо бўлиши эрамиздан аввалги 1500-1200 йиллар оралиғига тўғри келар экан.

XIX аср охирларида ер ҳайдаётган деҳқонлар математик амаллар ёзилган тошбақа косалари ва ҳайвонларнинг суякларини топиб олишади. Қадимги Хитойда бамбук ёки фил суягидан ясалган таёқчалар билан 1 дан 9 гача бўлган сонларни ифодалаганлар. 10 дан юқори бўлган сонлар эса айнан 1 дан 9 гача оралиқдаги сонларни ифодалаш усулларини тегишли тартибда жойлаштириш билан ёзилган.

### ҲОЗИРГИ РАҚАМЛАР ҚАЕРДА ПАЙДО БЎЛГАН?

Бугунги кунда биз ҳисоб-китоб ишларида, кундалик ҳаётда, математикада кенг қўллайдиган рақамлар **араб рақамлари** деб аталади. Гарчи улар ҳинд маданиятига хос бўлса-да, айнан араблар туфайли, ислом дини ва



маданияти билан бирга бутун дунёга ёйилган. VIII-XIII асрлар мусулмон оламида илм-фаннинг ривожланиш даври бўлди. Бу йилларда мусулмонлар ҳам Осиё, ҳам Европа халқлари билан яқиндан савдо ва маданий алоқаларда бўлишган. Араб рақамларининг Европага кириб келишини италиялик тижоратчи Леонардо де Пиза-Фибоначчи номи билан боғлашади. У Яқин Шарққа қилган сафаридан сўнг 1202 йилда араб рақамлари ва ҳисоб-китоб тизими, нолнинг ишлатилиши ҳақидаги китобини ёзади.

### ҚЎШИШ АМАЛИ НИМА?

***Қўшиш*** икки ёки ундан ортиқ сонлар (қўшилувчилар)дан уларнинг йиғиндисига тенг бўлган бошқа йирикроқ сонни ҳосил қилишдир. Масалан, биз 5 сонига 3 сонини қўшсак, йиғинди 8 га тенг бўлади. Бу ерда **5 ва 3 қўшилувчи, 8 эса йиғинди** деб аталади.

### БИЗНИНГ ҲИСОБ ТИЗИМИМИЗ ҚАНАҚА?

Бугунги кунда инсоният ишлатадиган ҳисоб тизими учта усулга асосланган. Булар қуйидагилар: **ўринга хос(позицион), аддитив (қўшилувчи), ўнли.**

***Ўринга хос(позицион)*** деганнинг маъноси шуки, ҳар бир сон саноқ қаторидаги ўрнига қараб, маълум миқдорни ифодалайди. Масалан, 52 сонида 2 сони иккита бирликни, 25 сонида эса 20та бирликни англатади.

***Аддитив (қўшилувчи)*** шуни англатадики, маълум соннинг миқдори уни ҳосил қилган иккита соннинг қўшилувига тенг. Мисол учун: 52 сони 50 ва 2 сонлари қўшилишидан ҳосил бўлади.

***Ўнли*** деганда 0 (нол)дан бошқа исталган сон саноқ қаторида чап томонга бир марта силжиши билан унинг миқдори ўн марта ошади. Хусусан, иккита бирдан ташкил топган 2 сони 26 да йигирмата бирликка, 260 да эса икки юзта бирликка тенг бўлади. Чунки у ҳар сафар дастлабки ҳолатидан чап томонга бир ўрин силжиди ва миқдори 10 баравар ошди.




### ҚЎШИШ ЖАДВАЛИНИ ЯСАШ МУМКИНМИ?

Қўшиш жадвалини ясаш учун энига ва бўйига худди суратда кўрсатилгандек қилиб 0 дан 9 гача бўлган рақамлар ёзилган катакларни чизиб оламиз. Жадвал бўйича иккита соннинг (қўшилувчининг) йиғиндиси ана шу сонлар энига ва бўйига кесишган катакка тўғри келади. Масалан, 4 га 7 ни қўшганимизда неча бўлишини билиш учун жадвалдан энига 7, бўйига эса 4 сонларини топиб оламиз. Сўнг улар ўзаро кесишган нуқтага келамиз. Бу ердаги сон 11. Демак, 4+7=11 экан.

### АЙИРИШ АМАЛИ НИМА?

***Айириш*** йирик сондан бошқа сонни олиб ташлаш орқали кичикроқ сон ҳосил қилиш амалидир. Масалан, 120 дан 30 ни айирсак, 90 чиқади. Бу ерда **120 камаювчи, 30 айрилувчи, 90 айирма.** Айириш амалида охирги натижа(айирма) албатта дастлабки сон (камаювчи)дан, айрилувчи миқдорида кам бўлади. Яъни 90 сони 120 дан 30 та кам.

### ДАСТЛАБКИ АРИФМЕТИК АМАЛЛАР ҚАЙСИЛАР?

Дастлабки арифметик амаллар **қўшиш** ва **айириш** бўлган. Ундан кундалик ҳаётда, савдо-сотиқда кенг фойдаланганлар. Масалан: "30 та қўй бор эди, 5 таси сотилди, 25 та қолди", "10 дона балиқ бор эди, яна 15 та тутилди, ҳаммаси 25 та бўлди" каби. Бундай амалларни бажаришда чалкашиб кетмаслик учун оддий жиҳозлар ўйлаб топилган. Ху-



сусан, Осиё ва Европада ҳисоблагич (счет)дан, Америкадаги инк қабиласида эса тугун усулидан фойдаланганлар. Яъни инклар турли рангдаги ипларни тугун қилиб боғлаб чиққанлар. Сўнг якуний натижани чиқариш учун улар битта таёқчага қатор қилиб боғлаб чиқилган.

### ЎРИН АЛМАШТИРИБ ҲИСОБЛАШ МУМКИНМИ?

Қўшиш амалида икки ёки ундан ортиқ қўшилувчиларнинг ўрнини алмаштириб ёзиш мумкин. Бунда йиғинди ўзгармайди. Масалан: **3+6+9** ҳамда **9+3+6** ва **6+9+3** амалларининг натижаси битта, яъни 18 га тенг. Кўпайтириш амалини бажариш чоғида ҳам айнан шу усул, яъни сонларнинг ўрнини алмаштириб ҳисоблашдан фойдаланиш мумкин. Ҳар қандай ҳолатда ҳам охирги натижа бир хил чиқади.

**ДАРМОН** тайёрлади.

Турмуш чорраҳаларида

# БАДБАХТЛИК–ДАНГАСАЛИК, ҚАНОАТСИЗЛИКДА...

Аввало Мавжуданинг дадаси ва аяси билан танишиб олайлик. Дадаси Расулжон ёшлигидан санъаткор бўлишни орзу қиларди. Лекин унинг овози ҳеч ашула айтишга мос тушмади. Шундай бўлсаям, тўйларда ашула айтиб, ном чиқаришга кўп интилди. Тангри унга ширали овозни бермаган экан. Унинг орзулари ушалмай, бошини қаёққа уришини билмай юрганида, шу қишлоқлик Манзурага ошиқу беқарор бўлиб қолди. Манзура эса раққосалик тўгарагига қатнашиб, рақс ўрганаётганди. Иккисининг орзу, режалари мос тушдими, бир-бирига кўнгил қўйиб, турмуш қуришди.

Манзура Расулжоннинг оиласидагиларга ҳеч маъқул бўлмади. Чунки, қайнонаси қандай ишни буюрса, уни енгил-елпи бажариб, уч ойдаёқ бу оиладагиларнинг ҳафсаласини пир қилди. Унинг тили эса бир қулоч эди. Шундай бўлдики, келин билан куёвни яшаш учун Улуғнор туманидаги хўжаликларнинг бирига олиб бориб қўйишди. Зора, мустақил турмуш қуришиб, чиройли яшаб кетсалар, дея ният қилишди. Мавжуда ана шу оилада дунёга келди. Уни қарангки, Мавжуда уч ойлик чақалоқлигида, бошига ҳеч кутилмаган кўргулик тушди.

Ўша куни Расул ишдан жиндай ширакайф бўлиб қайтди. Манзура чақалоғини бешикка белаб, ухлатиб қўйгач, қўшнисиникига туз сўраб чиқмоқчи бўлди. Уйнинг остонасидан ташқарига қадам қўйиши биланоқ эрига дуч келди. Расул хотинига юқоридан назар ташлади.

- Нега гўнгни ҳовлига ташиб қўймадинг?

- Куним гўнг ташишга қолибдими? - кескин жавоб қилди Манзура. - Шуми мени чўлга олиб келиб кўрсатган кароматингиз?

- Сенга нима қилиб беришим керак эди? - бўш келмади Расул. - Ўтирибсан-ку, хонзодаларга ўхшаб. Шу гўнгни ташиб қўймасанг, нима иш қиласан ўзи?

- Гўнгни ўзингиз ташинг. Орзуларимни барбод қилдингиз. Сизга эргашиб, хор бўлиб ўтирибман. Тузниям бировникидан сўраб чиқаяпман. Онам айтган эди, "Дангасага ёр бўлган, бир мирига зор бўлар",-деб.

Расул хотинининг юзига шапалоқ тортиб юборди. Манзура эса оғзига келганини қайтармади. Сўнг уйга кириб, кўйлагини алмаштирди-да, эрига ҳеч нарса демай, онасиникига жўнади, кетди. Расул эса бундан бехабар омборхонага кириб, озгина гуруч олди-ю, шериклари билан зиёфатхўрлик қилиш учун ишхонасига кетди. Уйдаги бешикда ухлаб ётган чақалоқ ҳеч бирининг хаёлига келмади.

Чақалоқ уйғониб йиғлай бошлади. Худди ўчакишгандай ўша куни қўшнилари ҳам тўйга кетишган экан. Мавжуда йиғлай-йиғлай толиқди ва яна ухлаб қолди. Расул шериклари билан шийпонга бориб ош дамлашди. Шу жойда улфатчилик қилишиб, тонг оттиришди. Қўшнилар ҳам тўйдан тонгга яқин қайтишди. Шу пайтда қорни очган Мавжуда йиғлайвериб, овози ҳириллаб қолганди. Яхшиямки, унинг йиғисини қўшнилар эшитиб, чақалоқни нега мунча узоқ йиғлаётганига ҳайрон бўлишди. Манзурахонни чақиришган эди, ҳеч ким жавоб қилмади. Ана шундан кейин қўшни ҳовлидагилар Расулнинг уйига киришиб, чақалоқнинг бир ўзи ётганлигига ҳайрон бўлишди Улар Мавжудани бешикдан ечиб олиб, уйнинг эгаларини дараклашга тушди. Маълум бўлдики, чақалоқнинг дадаси билан аяси бир-бирига ўчакишиб кўнгиллари тусаган жойда юришган экан.

Кейин нима бўлди, дерсиз. Манзура ўша бўйи чўлга қайтмади. Расул эртасига чақалоқни олиб, хотинининг орқасидан қидириб қишлоққа қайтди. У тўғри қайнонасининг уйига кириб борди. Манзура чақалоқни кўтариб келган эрига ўқрайиб қаради.

- Ҳа, нимага келдингиз?

— Ол болангни! Мен буни қандай қилиб боқаман?

- Қандай қилиб боқсангиз, ўзингиз биласиз. Менга керак эмас.

Расулнинг қариндошлари ўртага тушишиб, чақалоқни ҳар қалай аясига топширишди. Аммо уларнинг турмушини тиклаб бўлмади. Расул хотинига норасида бола учун нафақа тўлай бошлади. Бироқ мурғак Мавжудани олдинда талайгина кўргуликлар кутиб турган экан. У кўкрак сутига тўймай нимжон бўлиб қолди. Чунки, Манзура кўп вақт пардоз-андозни жойига қўйиб, ўзига мос куёвни топиб олиш учун кўчада юрарди. Унинг аяси кунларнинг бирида шундай деди:

- Болангни етимхонага топшириб юбор. Бу бола катта бўлганда ҳам сенга нима каромат қилиб берарди.



Манзуранинг нияти ҳам ана шундай эди. У ҳали ёшига ҳам тўлмаган Мавжудани болалар уйига топшириб, бошқа эрга тегиб кетди. Расул ҳам қайта уйланди. Кейинги хотиндан фарзанд кўриш жиндай кечикиб кетди. Қўни-қўшнилар унга Манзурадан кўрган фарзандини болалар уйида эканлигини айтиб қолишди. Расул бундан бехабар, ҳалиям фарзанди учун Манзурага нафақа тўлиб келаётганди. У хотинининг розилиги билан Мавжудани тўрт ёшида болалар уйидан қайтариб олиб келди.

Мавжуданинг пойқадами ёқдими, кўп ўтмай бу уйда эгизак фарзандлар дунёга келди. Уларнинг бири қиз ва яна бири ўғил эди. Ҳар қалай Мавжудага ўгай аясининг муносабати ҳам ёмон эмасди. Лекин эгизакларнинг умри қисқа экан. Бир ёшга тўлиб-тўлмай, уларнинг иккаласи ҳам бирин-кетин касаллик туфайли оламдан ўтишди. Ана шундан кейин Мавжуданинг ўгай аяси серзарда, қўрс бўлиб қолди. Оилада икки куннинг бирида жанжал чиқадиган бўлиб қолди.

Кунларнинг бирида Расул яна кўчадан ичиб қайтди. Тандирдан нон узаётган хотини унинг аҳволини кўриб, уҳ тортди.

- Яна ичдингизми? Шунча ичиб пуштингизни куйдирганингиз етмасмиди? Топганингизни ана шу касофатга сарфлайсиз. Уйда қандай каминг бор, демайсиз.

Расул гандираклаб бораётган жойида тўхтаб, хотини томонга бўйланди.

- Нима дединг?

- Нима дердим? Ўша касофатнинг заҳри ўрнашиб кетибди, баданингизга. Иккала боламни ҳам ана шу касофатингизни касри урган экан. Э, Худо! Шунақа ялқов, гап уқмас эрга рўпара қиласанми мени!

- Ўзингдан ўзинг нималар деб валдираяпсан? Мен хотин зотига ҳисоб бермайман. Бундан кейин ҳам ичаман.

- Сизга биттагина мана шу шумқадам қизингиз кифояга ўхшайди.

- Нега унақа дейсан? Мавжуданинг нимаси шумқадам? Нима ёмонлик қилди сенга?

- Нима ёмонлик эмиш? Болалари турмасин, нуқул мени эркаласин, деб ният қилган. Мен биламан буни.

Ана шу кундан эътиборан Мавжудага тинчлик бўлмай қолди. Нима қилсин, чидайди. Ўгай онанинг хўрлашлари ҳеч тугамасди. Унинг болалиги жанжаллар, хўрликлар билан ўта бошлади. Бошқа болалар ўйнаб юришганда, Мавжуда далада қўй боқиб юрган бўларди. Мактабга ҳам бориб-бормай, ўгай аясига қарашар, кўпгина юмушлари унинг зиммасида эди.

Мавжуда ўн ёшга тўлганида, ҳайриятки, бу оилада ўғил фарзанд туғилди. Бола билан овуниб, унинг ўгай аяси сал бўлсаям зуғумларни пасайтирган бўлди. Ана шундай шароитда Мавжуда улғайиб балоғатга етди.

Дангасада виждон бўлмас, деб бежиз айтишмас экан. Расул ҳамон ичкиликни канда қилмасди. Топган уч-тўрт сўм даромади кўчадан нари келмасди. Мавжудани узатишга тайёргарлик кўриш лозимлигини умуман хаёлига келтирмасди. Мавжуда бардош билан бахтини кутиб яшай бошлади. Ўгай аяси ўчакишиб, Мавжудага ҳеч қандай сеп-пеп йиғиш билан иши бўлмади.

Ана шундай кунларнинг бирида Мавжудага қўшни қишлоқдан совчилар келишди. Бу ёғи шундай бўлдики, Расул кўчадан эндигина ширакайф бўлиб қайтган паллада, дарвозадан совчилар кириб келиб қолишди. Уларни сўрига ўтқазишиб, Мавжуданинг аяси дарҳол қўни-қўшниларни чақириб чиқди. Ҳар қалай совчиларнинг кимлигини сўраб-суриштириб, уларга жўяли гап қиладиган одам керак эди-да. Совчиларни кузатиб қўйишгач, хотини Расулга деди:

- Совчиларни кимлигини сўраб-суриштиринг. Қўни-қўшнилар яхши оила эмас, дейишаяпти. Йигит қамалиб чиққан эмиш.

Шу нарса маълум бўлди-ки, йигит ҳақиқатан ҳам олти йил ўтириб чиққан экан. Бундай йигитга ким ҳам фарзандини раво кўрарди? Лекин Расул хотинига шундай деди:

- Совчилар бошимни қотириб юборишди. Мавжуда ўша йигит билан кўришсинчи, унга маъқул келмаса, бўлмайди, деб жавоб бериб қўя қоламиз.

Мавжуда йигит билан туман марказида учрашадиган бўлди. Тўғрироғи, у учрашувга қўрқиб-иккиланиб йўл олди. Олти йил қамалиб чиққан бўлса, қўрқмай бўладими? Йигитнинг исми Собиржон экан. У Мавжуда билан танишиб, очиқчасига гап қилиб қўя қолди:

- Тўғриси аҳмоқлик қилиб қўйиб, жазосини тортиб, бурнимга сув кириб қайтдим. Ҳунарим йўқ ҳисоби. Лекин дурадгорликни ўрганиб қайтдим. Шу ишни қилмоқчиман. Худо насиб этса, яхши яшаш ниятидаман.

Мавжуда унинг бундай гапларини юракдан чиққанлигини тушунгандай бўлди. Мавжуданинг розилиги билан тўй бошланди. Тўй куни ўгай аяси Мавжудага шундай гапни шипшиди:

- Билиб қўй, ўша йигитга тегишга ўзинг рози бўлдинг. Агар бирор гап бўлса, бу уйга қайтиб келишни ўйлама. Менга дадангни жабру жафосиям етиб ортяпти.

Мавжуда келин бўлиб тушган оилада беш ўғил бўлиб, унинг куёви Собиржон тўнғич фарзанд эди. Собиржон бемаъни жанжалга аралашиб, ёшлик ва ғўрликнингг жабрини тортиб қайтибди. Тўйдан сўнг у фермер хўжалигига ишга кирди. Қўшимча даромад бўлсин дейишиб, даладан ижарага ер ҳам олишди. Мавжуданинг пойқадами ёқдими, деҳқончиликлари жуда мўл бўлди.

Мавжуданинг меҳнаткашлиги ва содда-жўнлиги қайнонасига жуда ёқиб тушди. Тўнғич келин мана шу ҳовлида қоладиган бўлди. Собиржоннинг укаларини бирма-бир уйлантиришиб, янги ҳовлиларга олиб чиқиб қўйиша бошлашди. Шундай қилиб, ўн йилда тўртта тўйни ўтказишди. Тўртта уйни битиришди. Шу йиллар ичида Мавжуда тўрт фарзандли бўлди.

Мавжуда ёшлигидан мол-қўй боқиб, улғайгани учун ҳайвонларга меҳри бошқача эди. Қайнотаси унинг ҳайвон боқишга иштиёқини сезиб, иккита қўзи олиб келиб берди. Йиллар ўтиб қўйлар мана ўн бошга етди. Қўйларнинг тўрттасини сотишиб, соғин сигир олишди. Мол бозорига боришганда, мана шу тарғил сигирни Мавжудахоннинг ўзи танлади. Шунақаям серсут чиқдики, ўзларидан ортган сутни сота бошлашди. Ҳар куни оилага кирим бўлиб тургач, уйга барака ҳам оралаб қолар экан. Мавжудахон кунларнинг бирида қайнотасига шундай маслаҳат солди.

- Дада, биз фермер хўжалиги қилайлик. Раисимиз кредит олишда ёрдам бераман, деяпти.

- Кредитга кафолат керак экан-ку? - савол ташлади қайнотаси.

- Хўжаликдан кафолат олса бўлар экан. Дастлабига ўнта соғин сигир олсак бўлгани.

Мавжудахондан чиққан ақл оилада ҳаммани ана шу ишга отлантирди. Банкдан кредит унгунча, анчагина ем-хашак ҳозирлаб олишди. Шундоққина йўлнинг бўйидан беш гектар ер ҳам ажратиб беришди. Аввалига омонатгина бостирма ва молхона қуриб олишди. Яна бир томони қулай бўлдики, Мавжудахон шу ҳовлига келин бўлиб тушган йили куёви билан Закан бўйига терак қаламча экишган эди. Ўн йилда қаламчалар ростмана терак бўлиб етилди. Уларнинг ярмини сотишиб, қурилиш учун материаллар олишди. Кредит пулига эса ўнта сигир олишди. Сигирларнинг ҳаммасини Мавжудахоннинг ўзи танлади. Орадан беш йил ўтиб, кредитни тўла узишди. Сигирлар эса ўттиз етти бошга етди.

(Давоми 13-бетда)

# ОТАМ КЎНГЛИМГА ҚАРАМАДИ

Бу дунёда яшаб турган бўйи етган бёшу қари бахтли бўлишга ҳақли. Мен ҳам севиб-севилган эдим. Камтар, камсуқум, ҳокисоргина йигит. У хонадонимизга совчи юборишга журъат эта олмас, очиғи отамнинг қайсар ва баджаҳллигидан қўрқарди. Бунинг устига оиламиз ўзига тўқ, бойбадавлат, отам яхшигина идорада бошлиқ. Йигит эса бу жиҳатдан тенг эмасди. Аммо мен уни ҳеч қандай бойликка алмашмасдим.

Отамнинг ўз тартиб-қоидалари, ақидалари бор. Уни ҳеч ким бузолмайди, ўзгартиролмайди. Опамни узатгунча, акамни уйлантиргунча бу нарсаларга гувоҳ бўлгандим. Навбат менга келганда исён кўтара олармидим? Менга аммам қайнона бўладиган бўлди. Аммавачам Ширинбой бизникида туриб ўқиган, аспирантура, илмий ишлари учун отажоним бош ҳомий бўлганди. Аммамни қизиқтирган нарса ана шу ҳомийлик эди. Бу ҳомийликка миннатдорчилик сифатидами, ё бу ғамхўрликдан абадий фойдаланиш мақсадидами қондошлик ришталарини мустаҳкамламоқчи бўлди.

Дардимни онажонимга айтиб йиғладим:

- Ширинбой уйимизда акамдай бўлиб ўсган, уни севмайман, отамга айтинг. Мени унга бермасин. Севганим бор.

- Болажон! Айтолмайман. Севганинг ҳақида оғиз ҳам очиб ўтирма. Тўйдан кейин Ширинбойни албатта севасан.

Йўқ, севолмадим. Аммам қишлоққа келин қилиб олиб борди. Тўйдан сўнг кўп ўтмай Ширинбой шаҳарга қайтадиган бўлди. Хонадон аҳлари бегона бўлмасалар-да, мен ҳам отландим. Қайнонам-аммам:

- Сен қаерга борасан? - деди.

- Ўғлингиз қаерда бўлса ўша ерда бўламан-да.

- Қайнота-қайнонамга хизмат қиламан, деб ният қилмаганмидинг?-сўради қайнонам.

Индамадим.

Саволи жавобсиз қолгач аммам:

- Ҳа, боравер қани, акамни кўрай-чи. Сал пастроқ тушарсан, - деди қовоғидан қор ёғиб.

Отамнинг қўли узун эмасми, бир нечта данғиллама ҳовлиларга эга эди. Бизга акам яшайдиган ҳовлидан жой ажратди. Негадир акамга ҳам, янгамга ҳам бизнинг келишимиз ёқмади. Тўйгача меҳрибон бўлган акам бегонадек бўлиб қолганди. Янгамнинг макри акамни бир зумда ўзгартириб юборган эди.

Чидамасам, сабр қилмасам бўлмайди. Тўйгача ишлардим. Ширинбой ишлагани қўймади.

Йигирма тўрт соат давомида тўхтовсиз китоб ўқишнинг ҳам иложи йўқ. Турмуш ўртоғим билан бирга кечган дамлар ҳам негадир кўнглимнинг чигилини ёзолмасди.

Олим бўлиш осон экан-у, одам бўлиш қийин экан. Ширинбойда олимга хос фазилатларни тополмайман.

- Биламан, сен мени севмайсан. Мен ҳам бошқа қизларни севганман,-дерди. Қўлимга севганларига атаб ёзган шеърларини тутқазармиди-ей.

- Бўлмаса нега уйландингиз?

- Катталар хоҳлашди.

- Олим севгиси учун курашмайдими? Майли, мени севмасангиз ҳам севганларингизни эслатиб, оёқ ости қилманг-да.

Хуллас, ҳар куни эзилардим, руҳим синарди.

Ҳа деганда фарзанд ҳам бўлавермади. Аммам мени тезда туғмас хотинга чиқариб қўйди. Охири онамга айтишга мажбур бўлдим. Кўп ўтмай турмуш ўртоғим оилавий шифокоримиз клиникасида даволаниб чиқди. Шамоллаганмикан? Вужудимда яна бир митти жон ура бошлади. Ой-куним етиб қизалоғимни қўлимга олдим. Ширинбой ўғил бўлишини хоҳлаган экан. Қайнонам боламга тикилиб:

- Вой, бу кимга ўхшайди? Ширинбойга ўхшамайди-ку! - деди.

Йиғламасдан отиладиган ўқларга нишон бўлиб қолавердим. Аммам момо бўлиб, севиниш ўрнига шу митти жонни ҳам ўзларига яқин олмади.

Ширинбой кўча севгисидан воз кечмаган экан. Навбатдаги хизмат сафаридан қайтгач, бир дасталарини тўрваси билан бир чеккага қўйди.

- Ювиб қўярсан.

- Ювмай нима қиламан?

Эр ишга кетгач, қизим ухлагандан кирга уннадим. Буюмлар орасида менга бегона аёл кийимининг ҳам матоҳи бор эди. Қўлимни чаён чаққандай тортиб олдим. Уйланиб қолдим. Бу нимаси? Кийимларига қўшилиб келганини билмадими ё мақтанмоқчими? "Мана, кўриб қўй. Мен эркакман. Кўчада аёллар билан юра оламан", демоқчими?




Ишдан келгач, ош-овқатини олдига қўйдиму қовоғимни очмадим. Ҳайрон бўлди. Сабабини сўради.

- Жазманингизнинг ўзига ювдира қолмабсиз-да?

- Нималар деяпсан?

Эр бўйнига олмади. "Менга туҳмат қилаяпсан. Сенинг уйлаб топган ишинг бу", - деди. Мен уни бекитиб қўйибман. Ҳозир ҳам ўша жойда турибди. Бу ҳолдан бутунлай музга айландим. Бир томондан юрагим сиқилар, бу тарздаги ҳаётим қачонгача давом этиши мумкин? Сабрим, тоқатим етармикан? Руҳий тушкунлигим чақалоғимга таъсир этди. Касал бўлиб қолди. Эрнинг муносабати бу, қайнона боламни ўзларига ўхшатмаса, онамнинг ёрдами тегмаса, акам уйдан эҳтиёт бўлса, отамга дардимни айтолмасам? Бу қанақа ҳаёт? Эр хиёнатчи бўлса - додимни кимга айтай?

Эрнинг антиқа сюрпризига чидолмадим. Юрагимда борини тўкиб солиб ёздим-да, отамга жўнатиб юбордим. Отамнинг феъли аниқ бўлса-да, хатимга жавоб сифатида қандай портлашини тасаввур этолмайман.

Онамнинг туғилган куни баҳона эрим билан бордик. Табрикладик. Совға-саломни топширдик.

Отам амалдор бўлгани, ҳаёти давомида қўл остидаги ходимларга танбеҳ бериб, ўрганиб қолганиданми, биз фарзандларига ҳам ўшандай муомала қилади. Қандай вазиятда танбеҳ бериш керак, уйлаб ўтирмайди. Онам, акам, эрим, опаларим, поччаларим олдида бемалол мени койий бошлади.

- Нега норози бўласан? Чидайсан. Ширинбой эркак. Кўчада қизлар билан юради. Сенга нима етмаяпти? Уй бериб қўйган бўлсам. Нима кам? Чидамасанг, оқ қиламан. Қорангни кўрсатиб ўтирма!

Отам ўйлаб гапираяптими? Амалдор бўлган оталар камми? Ҳаммаси қизларининг бахти учун курашади. Менинг отам эса... Лоақал жиян-куёвига ёлғондакам бўлса-да, ўтиғи билан насиҳат қилиб қўйса бўларди. Эримнинг ношаърий ишларига рағбат берди. Ширинбой бу гапдан ўзига қувват олди.

- Кўрдингми! Нима қилардинг отангга шикоят ёзиб?-деди.

Нажоткорларимдан нажот йўқ. Дунёга сиғмай бораяпман.

- Сенга бекор уйланибман, - дейди эрим.

- Ўшанда ақлингиз қаерда эди? Мен бунга уйланмайман. Севганим бор. Буни севмайман, десангиз бўлмасмиди?

Эрим ажрашмоқчи. У ҳеч нарса йўқотмайди. Тоғаси ҳомийлигида ўқиб "олим" бўлган, тоғанинг қизига уйланиб, тоғанинг уйида яшаб, шундайгина чиқиб кетаверади. Шахсий ҳаёти учун жонини ачиштирадиган пули, моли куймаган. Ўзининг, қизининг, мол-дунёсининг қадрини ерга урган отам эмасмикан?

Азиз тенгдош! Юрагим тўлиб кетган. Менинг ўрнимда сиз бўлганингизда қандай йўл тутган бўлардингиз. Эрингиз амма ё холангизнинг ўғли бўлса, кўчада кўнглини олувчилари бўлса, сизга телба-тескари гапирса, кўнглингизни олмаса, қайнона сизга кундошга қарагандай қараса, онангиз чорасиз, туғишганлар меҳр-оқибатсиз, ота деган зот нажот кутиб ёрдам сўрасангиз оқ қилиб ўтирса...

Азизлар! Нима қилай, дардимга малҳам, қалбимга далда, юпанч қидираяпман. Ажабмас, қидираётганларим сизларда бўлса...

**Ораста.**

**Оққа кўчирувчи КЎККЎРҒОНИЙ.**

# БАДБАХТЛИК–ДАНГАСАЛИК, ҚАНОАТСИЗЛИКДА...

**(Давоми. Боши 12-бетда)**

Энди фермер хўжалигининг ростмана кўрғони бор. Кўрғоннинг атрофи теракзор. Ҳар куни кўрғоннинг дарвозасидан сут ортилган машиналар чиқиб, шаҳар томонга йўл олди. Мавжудахоннинг фермер хўжалигида ҳамма нарса жой-жойида. Унинг эри Собиржон ҳам тинибтинчимайди. Чунки, дурадгор уста учун фермер хўжалигида иш етарлича бор.

Мавжудахон кўрғонни айланиб юраркан, шукр қилгани-қилган. Лекин унинг қалбидаги армонлари вужудига оғриқ бўлиб тураверади. Унинг дадаси кексаликда жиндай тентираб қолди. Уйга қайтгани юраги бетламай, кўп вақт бозорча атрофида тентираб юради. Битта тагина ўғли тарбиясиз бўлиб улғайди. Унинг ҳам ишга тоқати йўқ. Онаси ўғлидан нолиб, жаврамаган куни йўқ.

Мавжудахон дадасини фермер хўжалигига олиб келиб, уст-бошини ювиб, овқат-озиғидан хабар олиб юрди. Аммо ўрганган кўнгил ўлганда қолади, деган гап рост экан. Яна ўша бозорча атрофига борib олди.

Мавжудахоннинг қалбида яна бир армон борки, у ўзининг аясини танимайди. Гоҳ-гоҳида кейинги эри билан яшаётганини эшитиб қолади. Унинг икки фарзанди бор экан. Иккала қизини ҳам узатибди, аммо иккаласининг ҳам турмуши бузилибди. Аясининг бахти мукаммалми ёки йўқми, уни ҳам билмайди. Лекин онасининг бир ёшга ҳам тўлмаган қизалоғини жонга қилиб етимхонага топшириб юборганини эслаш, Мавжудахоннинг юрагига титроқ туради. Шундай қилиб, ўзининг бахт ва омад йўлини тозаламоқчи бўлганмикин? Мавжудахон ўйлаб кўрса, у ақлфаросатли ҳаётнинг ўзидан олибди. Сабаби ўзининг туққан аяси ҳам унга раҳм-шафқат қилмади. Бу бола менга нима кароmat қилиб берарди? деб калта ўйлабди. Дадаси эса дангасалик ботқоғига батамом шўнғиб кетди. Уғай аясидан хафа бўлмаса ҳам бўлади. Чунки, ўзининг ота ва онасига қиёслаганда, билиб бўлсаям унинг муруввати бор.

Беш йил илгари кўрғоннинг атрофига экилган терак қаламчалари мана навқирон бўлиб ўсмоқда. Мавжудахон тераклардан кўздан кечириб, кўрғоннинг дарвозаси олдига қайтганида, катта йўл томондан келаётган нотаниш аёлга кўзи тушди. Аёл тўлароқ бўлгани учунми, қийналиброқ қадам олаётганди. Ҳар қадам босганида қулоғидаги тилла балдоқ силкиниб, чайқалиб келаётганди. Мавжудахон уни шаҳардан сут олгани келаётган аёллардан бўлса керак, деб ўйлади. Чунки, шаҳарда музқаймоқ қилаётганлар келишиб, сутга шартнома тузиб кетишяпти. У ҳансираб дарвоза олдига етиб келган аёлга юзланди.

- Келинг, хола! Иссиқда жиндай қийналиб қолибсиз-ку?

Аёл дам кўргонга, дам қаршисида савол назари билан боқиб турган Мавжудахонга боқиб, журъатсиз овозда деди:

- Бу Мавжудахоннинг кўрғоними?

- Ҳа, хола. Мабодо сутга келмаганмидингиз?

Аёл жавоб қилмади. Унинг кўзларидан ёш дувиллаб қуйила бошлади. Мавжудахонга бошдан-оёқ разм солиб чиққач, кўзларини осмонга қадаб, аламли уҳ тортди.

- Мен онангизман...

- Мен сизни танимадим, хола, - сўнг жиддий оҳангда таъкидлади. - Узр, онам бўлганингизда, танирдим-да.

Барибир Мавжудахоннинг аёлга раҳми келиб, уни кўлтиғидан суяб, дарвоза ёнидаги ёғоч ўриндиққа ўтказди. Дарҳол, ичкарига кириб, бир пиёла сув олиб чиқиб, унга тутқазди. Худди шу пайт дарвозадан Собиржон чиқиб, ёғоч курси томонга юзланди.

- Тинчликми? Шошилиб сув олиб чиққанингизга қўрқиб кетдим.

- Тинчлик,- жавоб қилди Мавжудахон.

- Холамиз иссиқда жиндай қийналиб қолибдилар. Хафа бўлманг хола. Мана ўғлингиз сизни катта йўлга олиб чиқиб, кузатиб қўядилар.

Мавжуда ичкарига кириб кетганича, қайтиб чиқмади. Чунки, у ўзини панароқ жойга олди-ю, йиғлаб юборди. Унинг йиғиси замирида иккита аламли ҳақиқат мужассам эди. Бу дунёда одамни бебахт қиладиган иккита фалокат бор экан. Шунинг биринчиси - дангасалик ва иккинчиси - қаноатсизлик экан. Тангри ҳар иккала фалокатни ҳеч кимга раво кўрмасин!.. Бу унинг қалбидан отилиб чиққан ҳайқириқ эди.

**Комилжон НИШОНОВ,**

**Андижон вилояти.**

# ЭРКАК БЎЛИШ ОСОНМАС!



***Ёшлигидан ўғил боланинг қулоғига: "Фалон-фалон ишларни бундай қилишинг керак. Фалон вазиятда мана бундай йўл тутишинг лозим. Чунки сен ҳақиқий эркак бўлиб улғайишинг шарт",- деган гаплар қуйилади. Бундай мезонларни ким ўйлаб топган? Улар қанчалик асосли? Уларга мос келиш шунчалар шартми? Чунки "ҳақиқий эркак" бўлишга интилиш баъзида руҳий зўриқишларга, турли касалликларга сабаб бўлиши мумкин.***




**ҲАЁТ САҲНА...**

Эркак ва аёлнинг оилада, жамиятда тутган ўрни, мавқеи, бажарадиган ишларининг турлари асрлар давомида шаклланган. Дунёнинг аксарият халқларида улар бир-биридан, айрим ўзига хосликларни эътиборга олмаганда, деярли фарқ қилмайди. Бир қарашда бу нарса табиий ва ижобий бўлиб кўринади. Аслида эса ўрин ва мавқенинг мана шундай чегараланиши қатор муаммоларни келтириб чиқаради, инсон зиммасига кўплаб чекловларни юклайди. Сўнгги бир неча йиллик кузатишлардан сўнг психологлар айнан эркаклар жамиятдаги, оиладаги ўз ўрин ва мавқелари боис кўпгина муаммоларга дуч келишаётганини, хатто турли касалликларга чалинишаётганини аниқлашди. Шундан сўнг "ҳақиқий эркак"ка қўйиладиган талабларни қайта кўриб чиқиш керакмикан?"- деган масала ҳам кун тартибига қўйилмокда.

**ҲАҚИҚИЙ ЭРКАКЛАР ТЎПЛАМИ**

Аксарият эркаклар ҳаётларида амал қиладиган(ёки атрофидагилар уни шунга мажбур этадиган) ва шу орқали ўз туриш-турмушларини мушкуллаштирадиган бешта асосий қарашлар тўплами мавжуд.

1. **Мен боқувчиманми ёки кимман?** (Эркакнинг мавқеи унинг топадиган даромадига қараб ўлчанади).

Оила бошлиғининг керагидан кам даромад топаётганини ҳис этиши унинг ўзига бўлган ишончини аста-секин сусайтира боради. Қолаверса, аксарият эркаклар айнан шу боис ўз имконият ва қобилиятларига мос бўлмаган, ойлик маоши ва қўшимча даромадлари кўп ишни танлайдилар. Оқибатда меҳнат улар учун кўнгилларига ёқадиган, чин дилдан бажарадиган машғулотга эмас, балки "пул қилиш"га қаратилган мажбурий ишга айланади. Натижада кўпгина эркаклар бир умр ўзлари ёқтирмаган соҳаларда ишлаб, гарчи кўп пул топсалар-да, агар севимли соҳалари бўйича иш қилганларида ҳаётдаги мавқелари бошқача бўлиши мумкинлигини ўйлаб сиқилиб яшайдилар.

*Эркак аёли ва болалари, дўстлари ўзини фақат пули учун яхши кўришмаслигини ҳис этиб туриши керак. Эрининг кам пул топишидан нолиб жавраб турадиган хотин, "пул дўстлар" эса умрнинг кушандаси. Улардан иссиғида воз кечган ҳам маъқул.*

2. **Энг ақлли эркак** (Эркак билимдон, ҳамма нарсага ақли етадиган, қўлидан ҳамма иш келадиган бўлиши керак).

Мазкур қарашга мос келишга интилган эркак ниманидир билмаслигини, нимадир қўлидан келмаслигини тан олишни истамайди. Бу борада ён-атрофдагилардан маслаҳат сўрашга эса "шуни ҳам билмас экан, деб устимдан кулишмасмикан?"-деган хаёл билан уялади. Оқибатда ўзининг билимдон, ҳамма нарсага ақли етадиган, қўлидан ҳамма иш келадиган эркак эмаслигини ўйлаб сиқила бошлайди. Бу ҳолат хатто шахслараро муносабатларга ҳам таъсир кўрсатиши мумкин. Уйда хотинининг, ишда эса ҳамкасбларининг(айниқса уларнинг айримлари аёллар бўлса) ўзидан кўпроқ нарса билиши эркакка ёқмайди ва турли низолар келиб чиқиши мумкин.

Ҳамма нарсани биладиган, ҳамма нарса қўлидан келадиган эркак бўлишнинг ҳеч ҳам иложи йўқ. Яхшиси, кўнгилга ёқадиган бирор бир машғулот топиб, айнан шу нарсада бошқалардан устун бўлишга интилиб яшаш керак.

3. **Довюрак, қўрқмас ва бақувват эркак** (Эркак жисмонан бақувват, мард, хавф-хатардан қўрқмайдиган бўлиши шарт).

Ахир ҳамма ҳам Брюс Ли ёки Жеки Чан бўлолмайди-ку. Шу нарса туфайли эркак безориларга рўпара келиб қолишдан қўрқишидан, муштлашишга нўноқлигидан ўзини ноқулай, хаттоки камситилгандай сеза бошлайди. Бунинг ўрнини тўлдириш учун эса у куч ва имкониятидан ортиқ нарсага зўр бериб, соғлиғини издан чиқариши мумкин. Оқибати эса маълум: сурункали касаллликларнинг авж олиши, организмнинг зўриқиб, ҳолсизланиб қолиши.

Рақибни фақат куч билан эмас, ўрни келганда ақл билан ҳам енгиш мумкинлигини англаб етиш керак. Қолаверса, зўр шифокор, тенгсиз компьютер оператори ва хоказо - ўз соҳасининг зўрларидан бири бўлган эркакка бақувват мушаклар шартми?

4. **Бу эркакларнинг иши эмас** (Эркак одатда аёллар бажарадиган ишларни қилмаслиги керак).

Айнан мана шу қараш ота бўлган баъзи эркакларни фарзандга меҳр бериш, унинг тарбиясида иштирок этишдан узоқлаштириб қўяди. Чунки бундай эркаклар болага қараш, уни суйиб эркалаш, у билан ўйнаш кабиларни аёлларнинг иши деб ҳисоблайдилар. Оқибатда аксарият "ҳақиқий эркак"ларнинг фарзандлари оталари уларни яхши кўрган-кўрмаганини англамай улғаядилар.

Эркак киши фарзандига меҳр кўрсатишдан тортинмаслиги керак. Дарвоқе, оилада чақалоқ туғилган пайтда уй юмушларининг бир қисмини ўз зиммасига олган эркакнинг хотини олдида мавқеи ўн чандон ортиши тайин.

5. **Қаттиққўл ва босиқ** (Эркак ўз ҳиссиётларини яшириб туриши керак).

Ҳиссиётга берилувчанлик, бўлар-бўлмасга кўз ёш тўкиш, дарров мулоқотга киришиб кетиш(ўта киришимлилик), ўзини эмин-эркин тутиш кабилар аёлларга хос хислатлар ҳисобланади. Ваҳоланки, эркаклар ҳам ҳиссиётли бўлишади. Ана шу ҳиссиётни ичга ютиш, ён-атрофдагилар билан муаммоларни ҳал этиш йўлларини маслаҳатлашмаслик, ўз ёғига ўзи қовурилиб юравериш кабилар руҳий зўриқишларга сабаб бўлади. Оқибатда одам сурункали дипрессия(сиқилиш) ҳолатига тушиб қолади. Бу эса ўз навбатида асаб ва юрак, қон-томир касалликларини келтириб чиқаради.

Атрофдагилар билан муносабатда, мулоқотда очиқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Шунда одамларнинг сизга ишончи ортади. Соғлиғингизни ҳам асраган бўласиз.

# АВТОМОБИЛ КАСАЛЛИК ВОСИТАСИ



**Маълум бўлишича, ер юзидаги одамларнинг 40 фоизга яқинига автомобил бошқариш мумкин эмас экан. Чунки машина ҳайдаш пайтида уларда тезда чарчоқ ҳисси пайдо бўлади, тезда асабийлаша бошлайдилар. 20-30 дақиқа ичида диққатларини бир жойга жамлай олмай қоладилар. Оқибатда йўл-транспорт ҳодисалари содир бўлади.**

● Автомобил бизга олис масофаларга тез ва қулай етиб олиш имконини беради. Аммо шу билан бир вақтда у бизни ҳаракатланишдан маҳрум этди. Натижада **гиподинамия (кам ҳаракатлилик)** билан боғлиқ турли касалликлар келиб чиқади. Биз қанча кам ҳаракат қилсак, мушакларимиз шунча кучсиз бўлиб қолади. Уларда қон айланиши бузилади, вақт ўтиши билан эса ёғ тўқималари билан қопланади.

*Гиподинамияга қарши курашнинг энг яхши воситаси пиёда юриш эканлигини унутманг. Кунига 4-5 километр пиёда сайр қилишга одатланинг. Яъни эрталаб ярим соат, кечқурун яна шунча вақт сайр қилсангиз кифоя.*

● Узоқ вақт букилиб ўтириш организм учун зарарли. Бундан биринчи навбатда ошқозон-ичак йўли зарар кўради - доим сиқилиб турганидан уларнинг қон билан таъминланиши, сўлак безларининг фаолияти ёмонлашади.

Яна бир касаллик - радикулит. Кўп вақт ҳаракатсиз ўтирганда умуртқа поғонасига тушаётган босим ортади. Шундай пайтда биргина ножўя хатти-ҳаракат умуртқа, бел ёки бўйин атрофидаги асаб толаларига зиён етказиши мумкин.

Бунинг жинсий қувватга ҳам таъсири бор. Узоқ вақт бир хил ҳолатда ўтириш натижасида кичик тос ва жинсий аъзоларда қон айланиши бузилади, ҳарорат меъёри ўзгаради. Оқибатда сперма ишлаб чиқариш тизими ишдан чиқади.

*Рулда 1-1,5 соатдан ортиқ ўтирмасликка ҳаракат қилинг. Узоқ масофага кетаётган бўлсангиз, вақти-вақти билан тўхтаб, серҳаракат машқлар бажаришни канда қилманг. Агар белингиз оғрийдиган бўлса, ўриндиққа махсус уқаловчи гиламча қоплатганингиз маъқул.*

● Автомобилда юрганимизда биз доим тутундан нафас олишга мажбур бўламиз. Чунки барча машиналар ҳам замонавий кондиционерлар билан жиҳозланмаган. Шу боис бизнинг иссиқ иқлим шароитимизда доим ён томондаги ойналарни очиб юришга тўғри келади. Серқатнов йўлларда ҳавода карбонат ангидрид, этил бензини буғлари ва бошқа заҳарли моддалар одатдагидан анча кўп бўлади. Мана шундай ҳаводан нафас олиш бош оғриғи, кўнгил айниши, бош айланиши, кўзнинг ёшланиши каби оқибатларни келтириб чиқаради.

● Эски русумдаги автомашиналарда ўриндиққа бош учун ёстиқчалар ўрнатилмаган. Агар сизнинг машинангиз ўриндиқларида ҳам ёстиқчалар бўлмаса, уларни алмаштириш чорасини кўрганингиз маъқул. Ёстиқча бир томондан бошни тик тутиб ўтириш имконини беради. Натижада умуртқага тушадиган босим маълум даражада камаяди. Иккинчидан эса, турли йўл-транспорт ҳодисалари пайтида бўйин умуртқа ва пайларининг шикастланиши эҳтимолини камайтиради.

***ЭРКАКЛАР БУНИ БИЛАРМИКАН?***

✔ Ҳуштак чалиш фойдали экан. Маълум бўлишича, доим севимли куй-қўшиқлар оҳангига мос тарзда ҳуштак чалиб юриш ўпкани мустаҳкамлар, дипрессия (сиқилиш)нинг олдини оларкан. Қолаверса, ҳуштак чалиш юзнинг пастки қисмида ажинлар пайдо бўлишининг ҳам олдини олади. Шу боис соғлом бўлиш учун кунига 15-20 дақиқа ҳуштак чалиб юриш тавсия этилади.

✔ Руҳий зўриқиш ҳолати қон таҳлилини ўзгартириб юбориши мумкин экан. Шунинг учун асаббузарликлар бўлган куннинг эртасига таҳлил учун қон топширмаган маъқул. Жуда зарур бўлган ҳолларда эса шифокорни кечаги кунингиз асабий ўтганидан огоҳ этиб қўйинг.

**ДАРМОН ва НОДИРА тайёрлашди.**

Руҳият сирлари

# СИГАРЕТА СИРИНГИЗНИ ОЧАДИ



**Маълум бўлишича, одамнинг сигаретани қандай ушлаши, чекиш усули, оғиздан тутунни қандай чиқаришига қараб ҳам характерини билиб олиш мумкин экан.**

### ТУТУН

__Кашанда тутунни юқорига қараб пуфлайди.__ Бундан англаш мумкин бўлган нарса шуки, айни пайтда бу кишининг кайфияти жуда яхши. Агар тутунни пуфлашнинг бу усули тез-тез ёки мунтазам кузатилса, билингки, қаршингиздаги кишининг ҳаёти ғам-ташвишлардан холи. У ўтаётган кунларидан, турмуш тарзидан ҳеч ҳам хафа эмас.

__Бошни орқага ташлаб, тутунни юқорига пуфлаш.__ Бу усул ҳар доим ва ҳар қандай шароитда ўзини кўрсатишга, етакчилик қилишга мойиллиги кучли бўлган кишиларга хос. Бошқача айтганда, қаршингизда эътирозлар эшитишга, рад жавоби олишга кўникмаган, кучли характерга эга, йўлбошчилик хусусиятлари мавжуд киши турибди. Яна бир томони у ўз "МЕН"ини ҳамма нарсадан устун қўяди, яъни унда эгоизм кучли. Ҳатто оддийгина ҳазилдан ҳам хафа бўлиши мумкин. Чунки улар ҳазилни, нимкоса тарздаги аскияларни тушунишмайди.

__Тутун пастга йўналтирилган бўлади.__ Агар кашанданинг айнан шу пайтдаги ҳолати ҳақида гапирадиган бўлсак, у нимадандир сиқилаяпти. Мабодо, тутунни шу усулда пуфлаш доимий одатга айланиб қолган бўлса, бу нарса шу кишининг қатъиятсиз, одамлар билан киришиб кета олмайдиган инсон эканлигини кўрсатади. У фақат ёлғиз қолганидагина ўзини эркин ва бемалол ҳис этиши мумкин. Одамлар билан мулоқотлар, гавжум, шовқин-суронли давралар тезда жонига тегади. Шундай жойларда ўтирса ҳам мажбуриликдан, бошқаларда ўзи ҳақида нотўғри тасаввур уйғотмаслик учунгина чидаб туради, холос. Бундай киши ҳеч қачон етакчилик ролига даъвогарлик қилмайди. Чунки уларда, юқорида айтилганидек, қатъият, ўзига ишонч, одамларни ўз ортидан эргаштира олиш хислатлари етишмайди. Ҳатто у қачондир, қаердадир ўзига хос бўлмаган хатти-ҳаракат қилса, ҳазил-мутойибага қўшилса, фикрларини билдирса ҳам, ички "МЕН"и унга: "Жимгина юрсанг бўлмайдими?! Бошингга бирор ғалвани орттириб олмагин яна",-деб "насиҳат" қилиб туради. Бундай кишилар ўзгаларнинг панасида юришни маъқул кўришади.

__Тутун оғиз бурчагидан пастга пуфланади.__ Қаршингиздаги киши чекаётган сигаретаси тутунини шу усулда пуфлаётган бўлса, у билан мулоқотда эҳтиёт бўлинг. Чунки у гарчи сездирмаётган бўлса-да, сиз билан чин кўнгилдан муносабатда бўлмаяпти, ҳатто ич-ичидан сизни ёқтирмаётган бўлиши ҳам мумкин. Тутун пуфлашнинг бундай усули намоён этилмайдиган, яширин салбий ҳиссиётлардан дарак беради. У сизга бўлган ҳисларининг асл моҳиятини андиша нуқтаи назаридан яшираяпти, десак нотўғри бўлади. Бунинг сабаби у сир бой бермаган ҳолда кейинги хатти-ҳаракатларини режалаштириб боради. Қолаверса, кўп ёлғон гапирадиган одамлар ҳам сигарета тутунини доим шу тарзда пуфлашади.

__Тутун бурундан чиқарилса.__ Бундай усул унча кенг тарқалмаган. Такаббур, димоғдор, манман, фикр доираси бир қадар тор кишилар сигарета тутунини шу тарзда чиқарадилар. Шунингдек, энди чекишни бошлаган ёшлар ҳам шу усулни "мода", ўзига хослик,- деб ўйлашади.

Шу ўринда бир нарсани ёдда тутиш керак. Қаршингиздаги киши сизни ёки бошқа суҳбатдошларини сигаретанинг тутуни билан безовта қилиб қўймаслиги учунгина биз юқорида кўриб ўтган усулларнинг бирида пуфлаётган бўлиши мумкин. Сигарета тутунини тез-тез ёки мунтазам ўша усулларнинг бирида пуфлашгина характерни очиб беришга хизмат қилади.

### СИГАРЕТАНИ УШЛАШ

__Сигаретанинг кафтдан узоқлиги.__ Кашанда сигаретани кафтидан қанча узоқда ушласа, бу унинг ижодга мойил, ҳиссиётларга берилувчан, кўпроқ ақл ва мантиқ билан эмас, кўнгил ва ҳис-туйғуларга қулоқ солиб иш тутишидан дарак беради. Улар кўпроқ кишиларга ташқи кўринишига қараб баҳо берадилар. Ички ҳис ва сезгилари кучли бўлгани боис суҳбатдошларининг ташқи кўринишига қараб ички оламини ҳам тўғри баҳолай оладилар. Бу борада улар камдан-кам адашишади. Шу боис сигаретани бармоқларининг учида ушлаб турган суҳбатдошингиз олдида ўзингизнинг сухандонлик, ақлий қобилиятларингизни намоён этиб, уни лол қолдирганингиз билан ташқи кўринишингиздаги бирорта нуқсон, айтайлик сочингизнинг ранги ёки турмаги, ўзингизга ярашмаган кийим унинг эътиборидан четда қолмайди. У айнан шу нарсага қараб сиз тўғрингизда баъзи бир хулосалар чиқаради.

__Сигарета бош ва кўрсаткич бармоқ орасида бўлади.__ Бу усул асосан эркакларга хос. Чекувчи аёллар орасида сигаретани бу тарзда ушлайдиганлар деярли учрамайди. Сигаретани шу усулда гўёки кафти билан яширгандай ушлаб чекадиганлар ҳаётдан нима исташларини яхши биладилар, ўз манфаатларини ҳимоя қилишни ўрнига қўядилар. Бу ерда ўз манфаати йўлида бошқаларни супуриб ташлаш назарда тутилмаяпти. Аксинча, интилаётган нарсасига, мақсадига эришиш учун тиришқоқлик билан зинама зина, босқичма-босқич ҳаракат қилиш ҳақида гап кетаяпти.

__Сигарета кўрсаткич ва ўрта бармоқ билан ушланади.__ Агар шу ҳолатда сигарета кафтга яқин турса ва кашанда ҳар сафар кафти билан оғзини ёпиб чекса, бу киши кучли ҳаяжон ва ҳиссиётларга берилишдан қўрқади. У ўзини совуққон, бепарво қилиб кўрсатишга ҳар қанча ҳаракат қилмасин, сигарета ушлаш усули унинг асл қиёфасини - кўнгли нозиклигини фош этиб қўяди. Бир қараганда бу кишилар димоғдор, ҳеч кимни менсимайдигандек бўлиб кўринадилар, аслида бундай эмас. Улар атрофдагилар билан масофа сақлаб муомала бўлишади, ҳеч кимни яқинларига (кўнгилларига) йўлатишмайди. Чунки бир вақтлар (аниқроғи болаликда) шу нарсадан аччиқ сабоқ олганлар.

# ЎЗИНГНИ НАМОЁН ҚИЛ!

**Сиз атрофингиздаги одамларда яхши таассурот қолдира оласизми? Уларга ўзингизнинг бутун қобилиятингизни намоён қилишга қодирмисиз? Қуйидаги тестдан шу саволларга жавоб топасиз.**

Тест

**1. Болалигингизда ота-онангиз асосан қуйидагиларга эътибор беришган:**
- дарсларни ўз вақтида тайёрлашингизга - 2 балл;
- доим тўйиб овқатланиб юришингизга - 0 балл;
- уст-бошингиз чиройли бўлишига - 1 балл.

**2. Сизнингча, инсоннинг қиёфасини нима белгилайди?**
- унинг бой-бадавлатлиги - 0 балл;
- характери ва касбий маҳорати - 2 балл;
- кийимининг русуми ва қимматбаҳолиги - 1 балл.

**3. Янги жамоага тушиб қолганда биринчи навбатда нимага эътибор бериш керак?**
- бу ердагиларнинг қандай кийинишига - 1 балл;
- ким ким билан дўст ва кимга қаршилигига - 0 балл;
- маслаҳат, ёрдам сўраб кимга мурожаат этиш мумкинлигига - 2 балл.

**4. Сизга қандай нашрни совға қилишларини истар эдингиз?**
- мода журналининг янги сонини - 1 балл;
- пазандаликка оид китобни - 0 балл;
- яхши одат ва хулқ-атворга оид қўлланмани - 2 балл.

**5. Кеча танишларингиз қандай кийимда бўлишгани ёдингиздами?**
- ҳа, бу нарсага доим эътибор бериб юраман - 2 балл;
- бошқаларни билмадиму, шим кийган аёллар албатта ёдимда қолади - 1 балл;
- ўзимнинг нима кийганим эсимда йўқу, бошқаларни қаёқдан билай - 0 балл.

__8-10 балл.__ Сиз одамларда ўзингиз хоҳлагандек таассурот қолдира оласиз. Аммо мукаммалликнинг чегараси йўқлигини ҳам унутманг. Қатъият ва сабот билан ўз устингизда ишлашда давом этинг.

__4-7 балл.__ Сиз ўз хатти-ҳаракатларингиз ва ташқи кўринишингизга эътибор бера бошлагансиз. Аммо баъзи кутилмаган ҳолатлар ҳам бўлиб туради. Хатти-ҳаракатларингиз, гап-сўзларингиз ва кийинишингиздаги энг майда жиҳатларни ҳам кўздан қочирманг. Айнан мана шу арзимасдек бўлиб туюлган нарсалар сизга панд бераётган бўлиши мумкин.

__0-3 балл.__ Сизнинг ҳозирги тимсолингиз одамлар билан муносабатларингизда муаммолар келтириб чиқармоқда. Агар сиз ҳаётдан ҳеч бир янгилик, яхшилик ва ижобий ўзгаришлар кутмай қўйган бўлсангиз, шундай яшайверинг. Мабодо ўзгаришни истасангиз, ўз устингизда ишлашингиз керак.

# ЧАПАҚАЙМИ ЁКИ ЎНГ?

***Чапақайлик ёки ўнг томондаги аъзоларни ишлатишимиз ҳам характеримизнинг айрим қирраларини очиб берар экан. Хатти-ҳаракатларимизга эътибор берсак, бу борада анча нарсани билиб оламиз.***

__Етакчи қўл.__ Панжаларингизни бирлаштириб, бармоқларингизни бир-бирининг орасидан ўтказинг. Бу машқни бир неча марта такрорланг. Эътибор берсангиз, ҳар сафар айнан битта қўлингизнинг бармоғи энг юқорида бўлади.

Агар юқоридаги бармоқ чап қўлники бўлса - сиз ҳиссиётга берилувчан одамсиз. Ўнг қўл бармоғи юқорида бўлганлар эса мулоҳазакор бўлишади.



__Етакчи кўз.__ Қўлингизга ручка ёки қаламни олиб, бирор нарсани нишонга олган киши бўлинг. Одатда бунда кўзларингиздан бирини юмасиз. Юмилмаган кўз эса етакчи ҳисобланади. Агар чап кўз етакчи бўлса - сиз юмшоқ табиатли, кўнгилчан инсонсиз. Ўнг кўзи етакчи бўлганлар - қатъиятли, қаттиққўл кишилардир.

__Наполеон ҳолати.__ Қўлларингизни кўкрагингизга қўйиб бир-бирига чалиштиринг. Бунда чап қўлингиз юқорида бўлса - сиз башангликка, эркаликка мойилсиз. Ўнг қўлнинг юқорида бўлиши инсоннинг содда ва оқ кўнгил эканлигидан далолат беради.

__Чапак чалиш.__ Агар сиз чапак чалганда ўнг қўлингизнинг кафти билан чап қўл кафтига урсангиз - қатъиятли, тезда бир қарорга келувчи киши экансиз. Чап қўл кафтини ўнг қўлга уриб чапак чаладиганлар эса одатда қарор қабул қилишда кўп иккиланишади, етти ўлчаб бир кесишни афзал билишади. Улар биринчи галда ўз хатти-ҳаракатлари билан атрофдагиларни ранжитиб, дилини оғритиб қўйишдан эҳтиёт бўладилар.

**ДАРМОН тайёрлади.**




**127** **Ёшим 25 да.** Муаллимаман. Самарқандликман. Турли таомлар тайёрлаш, бичиш-тикишни яхши биламан. Орасталикни ёқтираман. Жиддий сабабларга кўра вақтида турмушга чиқа олмадим. Агар ишлашимга розилик берадиган, ақлли, ўзи ҳам ишлайдиган, диёнатли, 30 ёшлардаги бир эркак бўлса турмушга чиқиб бахтли қилган бўлардим. (Эркак ажрашган бўлса ҳам майли).
**Манзилим таҳририятда.**
**Меҳрибон**

**128** **Ёшим 50 да.** Асли бухороликман. Турмуш ўртоғим оламдан ўтган. Битта ўғлим бор. Ҳаёт машаққатларини тушунган, оғир-вазмин аёлман. Касбим ўқитувчилик. Ҳозир уй ва дарс бераман. 50-55 ёшлардаги ўқимишли, кўнглимни тушуниб, мен билан умргузаронлик қиладиган эркак билан танишмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Гулсанам**

**129** **Ёшим 24 да.** Ҳали уйланмаганман. Хоразм воҳасидан бўламан. Тошкентда яшайман. Турли ганчкорлик ишлари билан шуғулланаман. 22 ёшгача бўлган (қайси вилоятдан бўлишининг аҳамияти йўқ), одобли, ораста бир қиз билан танишмоқчиман. (Тошкентда уйи бўлса яна яхши). Шундай қизлар бўлса овоз берсин.
**Манзилим таҳририятда.**
**Оғабек**

**130** **32 ёшдаман.** Бир нафар қизалоғим бор. Ажрашганман. Тошкент вилоятиданман. Қўлимдан ҳамма иш келади. Озода ва пазандаман. Уй-жойларни ораста тутишни ёқтираман. Тошкент вилоятидан бўлган уй-жойли, ишлайдиган, оилани моддий томондан таъминлай оладиган, меҳнаткаш ва ҳалолликни ёқтирадиган 40 ёшлардаги бир эркак билан танишиш ниятидаман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Азиза.**

**131** **Ёшим 40да.** Ажрашганман. Асли термизликман. Ҳозир Тошкент шаҳридаги ҳинд тили курсларидан бирида ўқийман. Ижарада яшайман. Уй-жойли, давлат ишида ишлайдиган ёки касб-ҳунари бўлган, ажрашган бўлса-да, фарзанди йўқ, 42 ёшлардаги бир эркакка турмушга чиқишни истайман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Маърифат**

**132** **Ёшим 24да.** Асли сирдарёлик бўлсам ҳам Тошкентда яшайман. Нуфузли жойда ишлайман. Қайси вилоятдан бўлса ҳам Тошкентда яшаб ишлайдиган 32 ёшдаги йигит билан танишиб оила қурмоқчиман.
**Манзилим таҳририятда.**
**Зуҳрахон.**

**БАСИРА тайёрлади. Тел: 133-04-50**

# ЗАВЖАМ РУҲИГА МАКТУБЛАР

(Боши ўтган сонларда)

**ЙИГИРМА БИРИНЧИ МАКТУБ**

Азизам, мени анчадан бери сиз руҳлар (арвоҳлар) қизиқтириб келасиз. Масалан, олдинги хатларимда ҳам ёзганимдек, сизларда ахборот бериш ёки қайси йўл биландир ниманидир етказиш, сезги бериш лаёқати борми? Тангри таоло сиз руҳларга шу каби лаёқат берганми? Биз тириклар учун булар жумбоқ. Ҳозирча жумбоқ. Жуда бўлмаганда мен шундай деб ўйлайман. Бироқ замон келади, илм тараққий этгандан тараққий этиб боради ва ниҳоят бир кун келиб, руҳларни кўриш, улар билан мулоқот ўрнатиш, рози-ризоликларидан, хафа-хурсандликларидан воқиф бўлиш имкони, шарт-шароити туғилади, иншооллоҳ. Ундай замонларда албатта бизнинг ўзимизнинг ҳам, мазкур фикрларимиз билан ўртоқлашган биродарларимизнинг ҳам фақат руҳлари қолади, холос. Демак, руҳлар билан алоқа ўрнатиш келажак авлодларга насиб этади. У замонларда келажак авлод, демак, бизнинг руҳимиз билан ҳам мулоқотга киришади. Жуда бўлмаганда, мен шуни ният қилиб қоламан. Кўзга кўринмас ўта зарра микроорганизмларни кўриш, аниқлаш, ўрганиш имконини туғдирган, бўлинмас, деб тан олинган атом зарраларини янада кичик заррачаларга - кварталарга бўлинишини ихтиро қилган фан тараққиёти бир кун келиб руҳларни ҳам аниқлаш, улар билан мулоқот ўрнатиш имконига эга бўлади. Мен азизам фанга ишонаман. Худо таоло: "Бандаларим мен яратиб қўйган жумбоқларнинг ечимини топсин", деб биз инсонларга мия, ақл-идрок ва илм деган неъмат бериб қўйибди... Шундай бўлгач, нима учун мен бунга ишонмайин?.. Сен бунга нима дейсан? Сизларда бу ҳақда тушунча борми? Само, коинот чексиз экан, илм-фан тараққиёти ҳам чексиз. Само, коинот ўз маконида қанча ва қандай жумбоғу муаммоларни яширган экан, илм-фан ҳам тараққий эта бориб, асрлар оша уларнинг сир-синоатини олишда давом этаверади... Тўғримасми? Янглиш фикр юритаётган бўлсам, мени маъзур тутгин.

Умр йўлдошинг - Мен.

**ЙИГИРМА ИККИНЧИ МАКТУБ**

Биласанми жоним, менинг жон-таним! Гапимнинг индаллосини айтадиган бўлсам, сенинг мендан олдин у дунёга риҳлат қилганинг аслида Оллоҳ таоло иродасидан бўлса, бошқа томондан менинг Худоим ёрлақаган пешонамдан бўлди. Нима демоқчиман? Демоқчи бўлганим, мен сени бу ёруғ, гўзал, жозибали дунёда қолдириб ўзим олдин кўккани, самогами, осмонгами кўтарилиб кетганимда бормиди, унда руҳимнинг чирқироб кетишини кўргин эди! Сендек гулбадан танмаҳрамимнинг кимга, кимларга ташлаб кетдим, дея уввос солиб, фарёд қилиб бошимни қаёқларга урмаган бўлар эдим! Ахир, мен ҳақиқатан ҳам рашкчи эрлар тоифасидан эдим! Хотини сал кечга қолса, дераздан қарайверадиган, эрта кетса нечун эрта кетаяпти, деб ҳар хил хаёлларга борадиган, автобусда "у" танишинг билан нега гаплашиб кетаяпсан, дейдиган, кўчакўйда, тўй-ҳашамда нега "у" сенга қараяпти, нима учун "у" гап ташласа, сен жавоб бераяпсан, дўкондор нега сени гапга тутаяпти, тоғанг, амакинг, амакиваччанг бўлса, оғиз-бурун ўпишгудай бўласанми, анави эркакка нечун салом бердинг, нега ундан ўзингни олиб қочмадинг, тоғаваччанг нечун мен йўғимда уйга келади?-деб сўров-қистовга оладиганларга ўхшайдиганлардан эдим. Ҳолбуки, буларнинг айримларини сенга билдирсам, бошқа кўпларини билдирмасдим. Чунки менинг ақлҳушим касал рашк туйғусидан устун турарди. Ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзимни-ўзим босиб олишга, воқеани ақлим тарозисига солиб кўришга, ҳар жиҳатдан ўйлаб, мушоҳада қилишга қурбим, қудратим етар эди. Шу боис ҳам ўзимни қўлга олиб, воқеага реал кўз билан қарашга ҳаракат қилардим. Бордию, эр-хотинлар ўртасида бўладиган бундай можароларга бўлган қарашимнинг тагига етмоқни истасанг, майли, жоним, айта қолай. Эрини хотини, хотинини эри қизғанмаган, рашк қилмаган жуфтлар ҳаётида эр хотинга, аёл эрга муносиб эмасдир. Эрлик ҳам, хотинлик ҳам қизғаниш туйғуси билан жозиба олгусидир, рашк ҳисси билан камолга етгусидир ва охир-оқибат меҳр-муҳаббат ғалаба қозонгусидир. Одамлар орасида хотини эрига, эри хотинига бефарқ қарайдиган нобоп, ноҳис, ношуд жуфтлар бўлганидек, бир-бирига умуман ишонмайдиган, доим шубҳада юрадиган ўта қизғанчиқ, ўта рашкчи жуфтлар ҳам бўлади. Буларнинг шубҳалари шу даражага бориб етадики, ҳеч нарса билан уларни ишонтириб, фикридан қайтариб бўлмайди. Масалан, хотини нима демасин, қандай тушунтирмасин, барибир эрни ўз измига солиб олган рашк хаёллари унга ўз ҳукмини ўтказиб эзаверади. Шундан кейин у, масалан, тўйда ким билан ўтирдинг, кимлар билан гаплашдинг, ким сенга ҳадеб қарайверди, сен кимларга кулиб боқдинг, ким билан уйинга тушдинг, ким сенга пул қистирди, каби сўроқлар билан ўзининг ич-этини еб, миясини кемириб, хотинини эса қонига ташна қилиб юборади. Уларнинг миясидан, фикр—зикридан "хотиним бировларга кўз сузиб юрган бўлмасин", деган вос-вос хаёллар кеча-кундуз аримайди. Улар дуч келган эркак зотига хотинини рўбарў келтиравердилар. Ақлга сиғмайдиган воқеаларни кўз ойналарига солиб рашк туйғулари туғён ураверади. Э, ҳа буларнинг мияларига ўрнашиб олган дардли хаёллар шунчалар ранг-баранг, хилма-хилки, гапириб адоғига етиб бўлмайди... Касал-касал-да... Нимасини айтай? Оллоҳ шундан асрасин. Ёшни ҳам, кексани ҳам Худоим шундай вос-вос фикрлардан сақласин. Шундай эмасми, жоним? Менинг бу ҳақдаги фикр-мулоҳазаларимни билмоқчи бўлсанг - шу. Шу билан хатимни якунлассам. Ҳеч қачон, ҳеч вақт руҳинг лат емасин. Рашк ҳам қилмагин. Хайр. Рашкчи ёстиқдошинг. Мени кечир - жуда ошириб юбордим, чоғи...




**ЙИГИРМА УЧИНЧИ МАКТУБ**

Азизам, олдинги бир хатимда сенинг: "Қаранг, эркаклар зоти қанақа бўлар экан?"- деган сўровингга жавоб ёзганим бор эди. Эсингда бўлса, хатимнинг охирида икки банд шеър ҳам битган эдим. У сенга бағишлаб ёзилган марсиямдан олинган. Марсиянинг тўлиқ матни мана бундай:

**ҚАЛБИМНИНГ АЛАМЛИ НИДОЛАРИ**
**(Марсия)**

*Машъум фожеа юз берди-ю,*
*Мени ёлғиз қолдириб кетдинг.*
*Муштоқ қилиб кўча-кўйларда*
*Ўзгаларга қаратиб қўйдинг.*

*Ҳаёт шундай, севикли завжам,*
*Оққанлари тўхтамас экан.*
*Аммо менинг ҳис-туйғуларим,*
*Бошқаларни ёқтирмас экан.*

*Шундан бери ёлғизман ҳар тун,*
*Ўлтираман ҳисларим битиб.*
*Кўнгил қўмсар, қалбим депсинар,*
*Ётаман кеч ҳушимдан кетиб.*

*Биламан, сен кутаётирсан,*
*Ёлғиз келгин деяётирсан.*
*Пок ҳовуснсин арвоҳимиз ҳам*
*Дея мендан сўраётирсан.*

*Эсингдами, менга айтганинг:*
*"Тобут тутиб эрлар бораркан,*
*Хаёл кетиб, марҳума қолиб,*
*Ўзга ёрни кўзлаб кетаркан"...*

*Мен билмасман ундай зотларни,*
*Улар ҳисси менга бегона.*
*Мени қўшма улар сафига*
*Бўлгандир бир шундай девона.*

*Тўғри, аёллар кўп, чиройли,*
*Эрлар дили кетар, уялмас.*
*Аммо сенга кетган у дилим,*
*Сендан қайтиб бошқага кетмас!..*

Жоним, қанақа чиқибди марсиям? Тузукми? Ҳар қалай у қалбимнинг тубидан чиққан нидоларидир. Шунга қараб, ўзинг хулоса чиқариб ол ва кўпам ғаш қилаверма. Бу хусусида сенга Оллоҳдан сабр тилаб, Мен - жонинг. Хайр.

(Давоми бор)

**Азимжон ҚОСИМОВ**

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

**Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси**

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти- 20.00.
Босишга топширилди- 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

**БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА**

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси, 1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Web-site: oilavajamiyat.uz

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0169-рақам билан 11.01.07да рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 232. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 14276
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Б. САЙДАЛИЕВА
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ

1 2 3 4 5 6